O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 20-oktabr, chorshanba ● № 44 (693) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ОЛАМНИ АСИР ЭТГАН ШАҲАР



Хива — ажойиб шаҳар. Унга ташриф буюрганлар бир-бирига туташиб кетган ёдгорликлар мажмуини кўриб, ўзини эртаклар диёрида юргандек ҳис қилади.

⇨ 3-бет

ЭРТАНГИ КУН ОРЗУСИ



Республикамизда ўтказилаётган уч босқичли спорт мусобақалари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» тизими бошқа давлатларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Ёш, иқтидорли қизларимизни кашф қилиш, рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти ёки санъат соҳасида изланаётган ёшлар учун «Ниҳол» мукофоти кўплаб ёш талантларни халқимизга таништирмоқда.

⇨ 7-бет

ҲАЯЖОН ВА ҲАЙРАТ ОЛАМИ

Бугунги кунда телевидение ва кино санъатининг таъсир кучи юксалиб бораётган бир пайтда ижодни болажонлар учун миллий рухдаги кўплаб мультфильмлар, бадиий ва видеофильмлар яратишдан бошлашимиз зарур

⇨ 8-бет

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК √МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

АШХОБОД, 19 октябрь.
ЎзА махсус мухбири
Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 19 октябрь куни расмий ташриф билан Ашхободга келди.

Мамлакатимиз раҳбарини Ашхобод шаҳрининг халқаро аэропортида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов кутиб олди. Шу ернинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистоннинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

«Ўғузкент» қароргоҳида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Президентлар Ўзбекистон-Туркманистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

— Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик устувор аҳамият касб этмоқда, — деди Ислом Каримов. — Биз Туркманистонни ишончли, узоқ муддатли иқтисодий шерик, деб биламиз. Савдо-иқтисодий алоқаларнинг барқарор ва изчил ривожланиши муносабатларимизни тараққий эттириш учун мустаҳкам асос вазифасини ўтайди. Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги ҳамкорлик икки томон манфаатларига, минтақавий ва халқаро тараққиёт талабларига мос равишда ривожланиб бормоқда.

— Туркманистон-Ўзбекистон муносабатлари икки томонлама ҳамкорликка, минтақавий ва халқаро масалаларга қараш ва ёндашувларнинг ўхшашлиги билан алоҳида аҳамиятга эга, — деди Гурбангули Бердимуҳамедов. — Ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничилик, анъана ва қадриятларга ҳурмат бир-биримизни яқинлаштиради. Туркманистон Ўзбекистон билан ривожланиб бораётган муносабатларни юксак қадрлайди.

Бугунги кунда икки томонлама алоқалар 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида тараққий этмоқда. Президентлар яккама-якка суҳбатда Ўзбекистон ва Туркманистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалаларни муҳокама қилдилар.

Президентлар Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашдилар. Ислом Каримов фақат ҳарбий куч ишлатиш билан Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириб бўлмаслигини, кўп йиллик уруш юқибатида вайрон бўлган мамлакатда кенг кўламли халқаро ёрдам асосида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни тиклаш, давлатчиликни мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан самарали фойдаланиш, минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларини юмшатиш масалалари юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашдилар. Айниқса, бутун минтақа учун ҳаётий муҳим ва долзарб бўлган умумий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ўхшаш ва яқиндир.

Иқтисодий ҳамкорлик кўлами ҳам кенг. Икки мамлакатда ҳам нефть-газ саноати жадал ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан ёқилғи-энергетика мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Мамлакатларимиз бу соҳада икки томонлама ҳамкорлик баробарида кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. 2009 йилда очилган Марказий Осиё-Хитой газ қувури бунинг ёрқин далолатидир.

Транспорт соҳаси иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим бўғинидир. Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркманистонга, Туркманистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимиз коммуникациялари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтамоқда. Ўзбекистон ва Туркманистоннинг транспорт ва транзит салоҳиятидан, янги транспорт тармоқлари очиш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш нафақат бу икки мамлакат, балки бошқа кўплаб давлатлар учун ҳам манфаатли эканлиги таъкидланди.

Президентлар мулоқотни Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар. Музокарада асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркманистон табиий газ қазиб олиш ва узатиш борасида дунёдаги етакчи мамлакатлар сирасига киради. Энергия манбаларига талаб йил сайин ошиб бораётган ва жаҳон иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётган ҳозирги шароитда мамлакатларимизнинг бу соҳада яқиндан ҳамкорлик қилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга. Соҳага биргаликда сармоя жалб этиш орқали, яъни йирик халқаро консорциумлар тузиш йўли билан Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам нефть-газ соҳасида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Бу нефть-газ саноати келтирадиган даромадни бир неча ҳисса ошириш имконини беради. Шу орқали давлатларимизнинг ҳамжиҳатлиги мустаҳкамланади, икки томонда янги иш ўринлари, янги инфратузилма иншоотлари барпо этилади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркманистон халқаро транзит юк ташиш борасида катта имкониятларга эга. Бу соҳадаги амалий ҳамкорлик туфайли йилига мамлакатларимиз ҳудуди орқали ташиб ўтиладиган икки давлатга тегишли экспорт-импорт юклар ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннага етмоқда.

Энг сердаромад соҳалардан бири бўлган сайёҳлик ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналишидир. Бу борадаги ҳамкорлик икки томонлама сайёҳ алмашувини ривожлантириш баробарида, учинчи давлатлардан ҳам сайёҳ жалб қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Туркманистонга хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, механик ускуналар, транспорт воситалари, шиша ва қора металл ҳамда улардан тайёрланган буюмлар, оптик асбоблар, кимё маҳсулотлари экспорт қилади. Туркманистондан Ўзбекистонга пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, хизматлар, ноорганик кимё маҳсулотлари импорт қилинади. 2009 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 185,7 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Лекин, музокарада тўғри таъкидланганидек, бу ҳали Ўзбекистон ва Туркманистон имкониятларига тўла мос кўрсаткич эмас.

Қўшма корхоналар сонини ҳам томонларнинг салоҳияти даражасида дейиш қийин. Нефть-газ, қишлоқ хўжалиги, транспорт, сайёҳликдан ташқари кўплаб бошқа соҳаларда ҳам қўшма корхоналар ташкил этиш мумкин. Улар сирасига ахборот технологиялари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик ва бошқа соҳалар киради.

Фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш ва ривожлантириш Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия зиммасига юкланган. Сўнгги йилларда Президентлар ташаббуси билан ушбу комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келмоқда. Тошкент ва Ашхободда Ўзбекистон ва Туркманистоннинг миллий кўргазмалари ташкил қилинмоқда.

Музокарада гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик, анъанавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг маданият ва санъат намояндалари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестиваль, кўргазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келадилар. Хусусан, туркманистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир. 2009 йилда туркманистонлик Л.Бегназарова бу фестивалда Гран-прига сазовор бўлди.

Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистонда атоқли туркман шоири Мулланафаснинг 200 йиллик юбилейи кенг нишонланди.

Шу кунларда Туркманистоннинг Тошҳовуз шаҳрида бўлиб ўтаётган Ўзбекистон-Туркманистон ижодий фестивали эса маданият соҳасидаги ҳамкорликнинг яна бир ёрқин намоёнидир.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон-Туркманистон қўшма баёнотига имзо чекдилар. Мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон-Туркманистон муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

ИСТЕЪДОД СОҲИБАСИ

Элеонаранинг мусиқа сирларини эгаллашида унинг учун энг азиз инсон — болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси бўлиб ишлаган онаси ва биринчи устози Клара Абдураимовна катта роль ўйнади.

Қизалоқ учун В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ўқиш катта бахт эди.

Ўз иқтидорини намоён этиш йўлида тиниммсиз меҳнат қилган Элеонора Ўзбекистонда мусиқачи сифатида тез танилди ва бугунги кунда мусиқа санъатининг ёрқин юлдузларидан бирига айланди!

У Украинада бўлиб ўтган "XXI аср санъати" халқаро пианиночилар танловида "Grand Prix", Руминияда ўтказилган пианиночиларнинг "PRO PIANO-ROMANIO" VI халқаро кўрик-танловида биринчи мукофотни қўлга киритди, Францияда ўтган Н.Рубинштейн номидаги VII халқаро пианиночилар танлови ва Малайзияда бўлиб ўтган пианиночиларнинг Ф.Шопен номидаги "BRONZE WINNER" халқаро танловининг лауреати бўлди.

Мамлакатимизда унинг истеъдоди ва ютуқлари муносиб баҳоланмоқда. Ёш истеъдод соҳибаси консерваторияда ўқиб юрган кезларида "Ниҳол" Давлат мукофотига ва Алишер Навоий номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлди.

— Элеонора ажойиб санъаткор, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Марат Гумаров. — У ноёб қобилиятга эга бўлиб, мусиқани, бутун борлиғини бахш этган ҳолда, юксак маҳорат билан ижро этади.

Консерваторияни тамомлаган Элеонора ҳозирги кунда янги-янги дастурлар устида ишламоқда. У, шубҳасиз, ижрочиларнинг энг нуфузли халқаро танловларида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этади.

Р.ШАГАЕВ,
ЎзА

21 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу Миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар.

Ислом КАРИМОВ

ШУНДАЙ БИР ГУЛЗОРКИ...

Она алласи билан шууримизга сингган мўътабар тилга эҳтиром, ўтган аждодлар хотираси ва киндик қони томган заминга муҳаббат сингари олий туйғулар авлодлардан авлодларга ўтиб, инсоннинг жисму жонида яшаб келмоқда. Зеро бу — ҳаётга зиё бағишлаб, умрини нурлантириб турадиган илоҳий ҳикматдир.

Табиийки, ҳар қандай туйғу тарбия талаб этади. Ҳатто боғу бўстон ҳам парваришсиз ўз таровати йўқотади. Қолбуки, инсоний туйғулар гулдан ҳам нозик.

Шу маънода, миллатнинг қадр-қиммати, халқнинг яратувчанлик даҳоси, аввало, она тилига, босиб ўтган тарихий йўлига ва отамерос Ватанига муносабатида тўлиқ намоён бўлади.

Тарихга назар ташласак, 1937 йилдан сўнг ўзбек тили ўз мақомидан маҳрум этилганига, луғавий бойлиги йилдан-йилга хира тортиб борганига гувоҳ бўламиз. Чунки давлат тили мақомидаги ҳукмрон тил ҳал қилувчи сиёсий аҳамият касб этган ва барча соҳада ўз таъсирини ўтказган. Ўша тил наинки расмий ҳужжатлар, илмий адабиётлар ва киносценарийлар, балки кадрлар тақдирини ҳам ҳал қилган. Ўша даврда саксон фоиздан ортиқ адабиётлар давлат тилида нашр этилгани, қарорлар, шиорлар, атамалар ва ҳаттоки, оддий аризалар расмий тилда битилгани, ўзбек тилида мурожаат этиб, бирор-бир идорадан жавоб олиш мумкин бўлмагани фикримизнинг далилидир.

2 »

НУҚТАИ НАЗАР

БИЗНИ ЎҚИЛМАГАН КИТОБЛАР КУТМОҚДА

Бу ҳаётий воқеани бир устозимиз айтиб берган эди.

Адабиёт фанидан имтиҳон топшираётган талаба билан профессор ўртасида қуйидагича мулоқот бўлиб ўтган экан:

— Дунё адабиёти дурдоналаридан қайси асарларни ўқигансиз? — сўрабди профессор.

Талаба сукут сақлабди. Унга ёрдам бермоқчи бўлган домла савол назари билан боқибди:

— "Анна Каренина"ни ўқиганмисиз?

— Йўқ

— "Телба"ни-чи?

Талаба бош чайқабди.

— "Алвидо, қурол"ни ўқиган бўлсангиз керак?

Талаба жим.

— "Уста ва Маргарита" ҳақида фикрингиз қандай?

Талаба лабини тишлаб, бошини эгибди.

— "Ёлғизликнинг юз йили" ҳақида эшитгандирсиз?!

Талаба қизариб-бўзариб жим тураверибди.

Шунда, денг, кутилмаганда профессорнинг кўзига ёш қалқибди. Ҳа, у ростакамига йиғлабди. Қари, кўнгилчан домлани изтироб чекишга мажбур қилдим, уни ўз билимсизлигим билан қийнаб қўйдим, деб ўйлаган талаба хижолатомуз узр сўрабди:

— Узр, устоз, айтган китобларингизни тез орада албатта ўқиб чиқаман. Кечиринг...

— Мендан кечирим сўрашингизнинг ҳеч ҳожати йўқ, йигитча! — дебди профессор. — Билиб қўйинг, мен сизга ачиниб ёки асабийлашганимдан кўзимга ёш олмадим. Йўқ. Мен сизга ҳавас қилаяпман! Ҳа, ҳа, сизга жуда ҳавасим келяпти... Сиз, биласизми, қандай бахтли одамсиз! Олдингизда қандай буюк асарларни ўқиш саодати турибди! Уларни ўқиркансиз, ҳали қандай гўзал, бетакрор лаҳзаларни яшайсиз. Китоб билан юзма-юз қолиб, қандай фусункор дунёларни кашф қиласиз... Мен эса, афсуски, бу ва бошқа буюк асарларни аллақачон ўқиб бўлганман. Ўқиганда ҳам, бир марта эмас, ўн марталаб ўқиганман. Уларни яна ўқишим мумкин, аммо энди сиз ҳис қиладиган лаззатни, таассуротни туёлмайман...

7 »

21 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ШУНДАЙ БИР ГУЛЗОРКИ...

(Бошланиши 1-бетда.)

Мана шундай вазиятда Юртбошимиз Ислом Каримов мустабид сиёсатга қарши туриб ҳаёт оқимини халқ ҳоҳиши-иродаси томон бурди. 1989 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистонда давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинди. Бу эзгу мақсад йўлида ташланган қутлуғ қадамларнинг бири эди. Тилимизнинг халқимизнинг маънавий мулки деб она тилига алоҳида меҳр ва эҳтиром кўрсатилиши, олий давлат ҳокимиятидан қуйи қатламгача давлат тилида иш юритилиши жорий этилиши халқимиз ҳаётида унутилмас тарихий воқеа бўлди. Мана, шундан буён қарийб 21 йил вақт ўтди. Ва бу давр ичида она тилимизнинг қадр-қимматини олий мақомга кўтариш борасида яхлит бир тарихни ташкил этадиган кўламли эзгу ишлар қилинди.

Мактаб таълими, матбуот, кино ва театр, хўжалик ва ҳокимият тизимида, ҳуқуқ-тартибот, суд ва маъмурий идораларда, ҳарбий соҳада, айниқса корхона муассаса ва ташкилотларда ҳисоб-китоб ҳамда молия ҳужжатлари, умуман, ишнинг давлат тилида олиб борилиши, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар, шаҳодатномалар, илмий ишлар, олий ўқув юртлари учун дарслик ва қўлланмалар мазкур тилда яратилиши ёмғирдан сўнг қуёш чарақлаб чиққанидек, тилимиз кўрку чиройини очиб юборди.

Ўша пайтда интернационал сўзлар ва атамалар деб аталадиган сўз ва бирикмалар бугунги кунга келиб, табиий равишда истеъмолдан чиқиб кетди. Айни вақтда интернационал ўринда байналмилал, статус ўрнида мақом, пряник ўрнида ширинлик, столовой ўрнида ошхона, автостанция ва остановка ўрнида шоҳбекат ва бекат, актуал ўрнида долзарб, граждан ўрнида фуқаро, норма ўрнида меъёр, комплекс ўрнида мажмуа, пропуск ўрнида рухсатнома каби муқобил атамалар кундалик ҳаётимиздан яна ўрин олди.

Айтиш керакки, мазкур жараён сунъий тарзда адо этилгани йўқ. Табиатимизга ботишмаган бирон-бир сўзнинг истеъмолдан чиқиши ва унинг ўрнига юрақдаги эҳтиёж туфайли бирон-бир миллий атаманинг кириб келиши табиий ҳолда кечди.

Чунки она тилига эҳтиром туфайли дилимизда, маънавий ҳаётимиздаги уйғонишлар юз берди, олий ва муқаддас туйғулар титроққа келди ва сўз жавҳарини нурлантириб юборди.

Метро бекатлари номи илк дафъа ўзбек тилида жаранглаганида, одамлар кўзида қувонч ёшлари халқаланганига ҳам 21 йил бўлибди.

Боболардан бизга
мерос эзгу тил,
Авлодларга хазинайи
бебаҳо
Қалбимизга, руҳимизга
кўзгу тил,
Бу дунёга бергай ҳали
кўп даҳо...

Мумтоз шоиримиз Миртемир айтганидек, бу тил — хазинайи бебаҳо, қалбимизга, руҳимизга, интилишларимизга кўзгудир. Агар шу тил бўлмаганида, оламни ва одамни англаш, гўзаллик ва нафосатни ҳис этиш, ундан илҳомланиб тўлиб-тошиб яшаш бўлмас эди, албатта. Сўз, инсонга ўзини руҳиятини, ўтмиш аждодларини ва бутун борлиқ ҳодисотини англатиб туради. Тилда ўтмиш билан бугунги кун уйғунлашган бўлади, бир томонда тарих юз кўрсатиб турса, бошқа бир томонда миллатнинг айни ҳаёти, орзу-ҳавас ва интилишлари намоён бўлади. Биз сўз воситасида оламнинг аввали ва охирини, тарихни ва дунёни, инсоннинг қалб товланишлари ва ҳароратини теран англаб, ҳис этамиз.

Шу маънода, район атамаси ўрнида туман, область ўрнида вилоят, проспект ўрнида шоҳкўча, пропагандист ўрнида тарғиботчи, протокол ўрнида ҳужжат ёки баённома, премьера ўрнида тақдимот, ЗАГС ўрнида Бахт уйи, фонд ўрнида жамғарма, комитет ўрнида қўмита, аппарат ўрнида девон, союз ўрнида уюшма, центр ўрнида марказ каби миллий атамаларнинг ҳаётимизга кириб келиши тилимизнинг азалий кўрку жозибаси қайта тикланиб, сўзининг маъно-мазмуни ойдин англашилиб туришига омил бўлди. Эндиликда ушбу сўз ва атамалар тилимизга теранлик ва улуғворлик бағишлаб қолмай, узукка қўйилган кўз каби ғоятда унга ярашиб турибди. Бугун минглаб мана шундай ёркин мисолларга мурожаат этиш мумкин.

Мустақиллик ва эзгулик монументи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Имом Бухорий масжид мажмуи, Болалар ижодиёти уйи, Хотира майдони, Ўзбекистон майдони, Ўзбекистон олтини, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи, нефть ва ғалла мустақиллиги, тадбиркор ва фермерлар, Миллий банк, «Шарқ тароналари» мусиқа анжумани, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари, Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи, Асака автомобиль заводи каби олам-жаҳон мазмун касб этган нурли ва шукуҳли сўзу атамаларни, миллий курашимиз туфайли дунёга таралаётган ўзбекча ибораларни бир тасаввур этинг!

Она тилимиз ҳар қадамда баланд мақом билан жаранглаётир. Ва беихтиёр улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг: «Жисмда руҳи покнинг жилва қилиши аслида мўътабар сўз туфайлидир», — дегани хаёлингиздан ўтади. Шоирнинг таъкидлашича, «Бу ўн саккиз минг оламдан ортиқ шундай бир хазинаки, ҳар бир дуру гавҳар сўзлари осмон ёритқичларидан ҳам порлоқроқ, шундай бир гулзорки, ҳар бир гули чаман лолаларидан гўзалроқ»дир.

Ғаффор ҲОТАМ,
ёзувчи



Тил — миллат ғурури

Тарих, урф-одат, маданият, аждодлар мероси ва ҳоказолар миллатни ўзга миллатлардан фарқлайдиган, ўзлигини белгилайдиган, ғурурлантирадиган қадриятлар ҳисобланади. Лекин булар ичида тил устувордир. Чунки биз санаб ўтган қадриятлар тил орқали ифодаланади. Шунинг учун қалби миллат руҳияти билан йўғрилган шахслар тилни миллатнинг кўрки, кўзгуси санаб, уни камситишлардан ҳимоя қилишган, ундан ғурурланишган. Улуғ бобомиз Алишер Навоий ана шундай фидойи инсонлардан бири бўлган. Навоийнинг туркий тилда яратган гўзал ғазаллари ва "Хамса" достонида, қолаверса, "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида туркий тилда омоним, полисемик ҳамда эквивалентли сўзларнинг кўплиги асосланган.

Албатта, бундай йўлни чин миллатпарвар инсонгина танлайди. Навоий ана шундай фазилатга ва катта илмга эга шахс бўлган. Форс тилини мукаммал билишига қарамай, сара асарларини туркий тилда ёзишдан мақсади жуда улкан эди.

Абдурауф Фитрат "Тилимиз" деган мақоласида шундай ёзади: "Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча! Шоирлик қилмоқчи эмасман, сўзнинг тўғриси шудир! Дунёнинг энг бой тили туркчадир, энг бахтсиз тили яна туркчадир. Бойларнинг бахтсизлиги Совет ҳукумати чоғинда бўлган бир ишдир, бундан бурун бахтли эдилар, деганлар тилимизнинг ҳолини билмасдан гапуралар".

Қадимда бой тилимиз зўравонлар туфайли кенг қанот ёзолмаган бўлса, чоризм босқинидан сўнг бутунлай исканжага тушиб, ўз мустақиллигини йўқотди. Қонхўр губернатор Скоблев "Миллатни йўқ қилиш учун қириш шарт эмас — маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи адойи тамом бўлади" деган сўзига изчил амал қилинган.

Маълумки, қалби миллатпарварлик руҳи билан суғорилган инсон биринчи навбатда ўз тилидан ғурурланади. Шундай инсонлардан бири шоир Муҳаммад Юсуфдир. У "Она тилим" номли шеърида тилни жонлантиради. Миллат тилни яратади, тил эса миллатни жаҳонга намоён этади. Шоир бу ҳақиқатни жуда теран илғайди. У ана шу тилнинг бошига тушган фожиани қайд қилар экан, ўз вақтида унинг олдини ололмагани, уни ҳимоя қила олмагани учун ундан кечирим сўрайди. Шоир тил тимсолида халқи, миллатини назарда тутади ва унинг фожиаси тасвирида миллат ўтмишини яратади. Бу шеъридa мустақилликнинг миллат, халқ қисматида ўйнаган ролини очиб беради. Шоир ёзади:

...Тилим туриб ўз тилимда гапирмадим.
Бир эласам эзилади бағир-дилим...
Онам "эркам" деб қучганда тунлар ярим,
Эрким йўқ деб зирқирарди бир жойларим...
Биз пиёда, биз боққанлар юрди отда,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Шеърда тилнинг қудрати ва бойлиги ҳам ўз аксини топган:

Сен бўлмасанг нима бизга силлиқ шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар...
Бир қарасам ҳар шевангда минг жилолар
Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жилолар.

Инсон одам ва олам моҳиятини тафаккур воситасида англайди, билганларини эса тил орқали ўзгаларга англатади. Бундан кўринадики, тил инсоният фаолиятида, маънавий камолотида катта роль ўйнайди.

Ўзига хос шоир Салим Ашурнинг "Она тилим" шеърида ҳам фалсафий мушоҳада, тилнинг ҳаётдаги функцияси ғоят теранлиги ифодаланган.

Парча тошга мангу умр бахш этган
Она тилим...
Кўзларимга дунёни чин кўрсатган
Она тилим...
Мудраб қолса, бутун халқни уйғотган
Она тилим...
Ҳар ўзбекка ору номус сен,
Она тилим...
Бир болангман, устим ёпдинг совқотсам,
Она тилим.
Мен қалқонман биров сенга ўқ отса,
Она тилим.

Тил миллат кўзгусидир. Кўзгуда ҳар инсон ўз қиёфасини кўрса, тилда эса миллат қиёфаси ўз аксини топади. Шу боис, она тилидан ғурурланиш миллатдан ғурурланишдир.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
профессор

МИРТЕМИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

ҚАЛАМ ДЕҲҚОНИ ЭДИ

Розиман шу юртда туғилганимдан,
Она тупроғимда-да! Ҳа, она тупроқ.
Етти иқлим интиқ, жонона тупроқ,
Розиман шу лойда йўғрилганимдан...

Ушбу мисралар билан бошланадиган шеърдан ўзбек адабиётининг забардаст авлодига мансуб ардоқли шоир Миртемир домланинг она-юртига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, қалб тафти уфуриб турибди. Бундай қуйма сатрлар инсонни ҳамиша юксакликка, ватанпарварликка ва эзгу мақсадларга ундайди.



Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида севимли шоиримизнинг 100 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ шоирлари, ёзувчилар, таниқли таржимонлар, устоз билан сафдош бўлган шогирдлари, фарзандлари ва ёш ижодкорлар иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмасининг фахрий раиси Абдулла Орипов очиб, уюшмада Миртемир домланинг ижодий кечаси юқори даражада ўтказилаётгани адабиётимизга бўлган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси эканини таъкидлади. Шоирнинг бетакрор ижодий мероси ва инсоний фазилатларини кўплаб ижодкорлар ва шогирдлари меҳр билан тилга олишди. Айниқса, тадбирда Ўзбекистон Миллий университети талабалари шоир шеърларидан намуналар ўқигани иштирокчиларни мамнун этди.

— Отамнинг бошига синовли кунлар тушганда ҳам ёзишдан, таржимадан ҳеч қачон тинган эмас. Отам доим бизга: «Мен халқимдан кўп қарздорман, иш столига ростмана ўтиролганим йўқ. Китобхонларга манзур бўла оладиган нима қилолдим? Умрим оддийлардан янада оддийроқ», — деб ўз ижодларидан қониқмасдилар. У киши ҳақиқий қалам деҳқони эдилар, — дейди биз билан суҳбатда шоирнинг фарзандларидан бири Мирза Турсунов. — У киши ўзларини ҳеч қачон Миртемир деб таништирганларини кўрмаганман. Бирор киши билан танишиш зарурияти туғилиб қолса, фамилияларини айтиб кўришардилар. Отамнинг яна бир эзгу фазилатларидан бири туркий тилларни мукаммал биларди. Бизни ёнларига олиб, таржимонликнинг сир-синоатини ўргатдилар. Тўра амаким ҳар гал бизникига келганларида: «Даштда сўфитўрғай деган қуш бўлади. У ҳар баҳор тўртта тухум қўйиб, бола очади. Полапонларидан бири булбул, қолганлари оддий тўрғай бўлади. Ўша булбул — отанг», дея уқтиришдан эринмасди. Амаким айтганидек, ўша булбул адабиёт булбули бўлиб етишганини бугун замондошлари тилидан эшитиш қанчалик бахт эканини сўз билан изоҳлаб беролмайман. Падари бузрукворимизнинг ижодий меросларига кўрсатилаётган юксак эҳтиром учун ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Дарҳақиқат, Миртемир домла нафақат бетакрор шеърлар куйчиси, балки бағрикенг ва самимий устоз сифатида ҳам кўплаб шогирдларининг меҳрини қозонди. Устознинг содда ва беғубор шеърларини ўқиганда камолотга, яхшиликка дуч келасиз. Айниқса, ўзбек тилининг луғат бойлигини мукаммал эгаллагани ҳар қандай ижодкорни ҳайратга солади. Масалан, шеърларидаги «оч теват», «аччиқ бўза», «бедаво сизлович» сингари топилмалар устозгагина хос тил безакларидир. Биргина қуш тили шеърида 20га яқин қушларнинг номини келтириб ўтгани у кишининг билимдон эканини кўрсатиб турибди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан ижодкорларга, улуғ шоир ва ёзувчиларнинг ижодий меросига кўрсатилаётган бундай эътибор маънавиятимизга, келажакка бўлган юксак ғамхўрликдан далолат беради. Миртемир домланинг асарлари ҳали кўплаб дилларда эзгу туйғуларни, ҳаётга муҳаббат, нурли келажакка интилиш шавқини уйғотишига ишонамиз.

Адиба УМИРОВА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Нукус шаҳридаги собиқ 19-автокорхона биноси қайта таъмирланиб, терини қайта ишлайдиган корхонага айлантирилди. Бу ерга Италиядан терини қайта ишлаб, ундан турли буюмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий ускуналар келтирилмоқда. Ойига 400 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашган корхонада дастлаб 100 нафар киши иш ўринлари билан таъминланади.

БУХОРО. Вилоят Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўзбек тили давлат тили мақомини олганлигининг 21 йиллиги муносабати билан катта илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда "Тилимиз — оримиз, номусимиз" мавзуида маърузалар ўқилиб, бадиий кеча иштирокчилари томонидан мавзуга оид турли саҳна кўринишлари намойиш этилди.

НАМАНГАН. Спортнинг шарқона якка кураш тури — каратэ бўйича Тошкентда бўлиб ўтган очиқ чемпионат мусобақаларида вилоят маданияти ва спорт ишлари бошқармаси тасарруфидаги 2-Олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари муносиб иштирок этдилар. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг терма жамоалари баҳслашган ушбу мусобақадан наманганликлар 4 та олтин, 7 та кумуш, 11 та бронза жами 22 та медаллар шодаси билан қайтдилар. Умумжамоа ҳисобида наманганлик спортчилар Тошкент шаҳар спортчиларидан кейинги 2-ўринни эгалладилар.

САМАРҚАНД. Вилоят Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида 18 октябрь — Самарқанд кунига бағишлаб, "Сайқали рўйи замин" деган мавзуда маърифий тадбир ўтказилди. Унда олимлар, маънавият-маърифат тарғиботчилари вилоятнинг дунё маданий тараққиётидаги ўрни, улуғ алломалари маънавий меросининг бугунги кунда баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти, шунингдек, айни кунларда шаҳарда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида сўзладилар. Тадбирда Самарқанд шаҳрини мадҳ этувчи шеърлар ўқилиб, темурийлар даври маданиятига оид саҳна кўринишлари намойиш этилди.

СУРХОНДАРЁ. "Келажак овози" ёшлар танловининг республика босқичига йўлланма олган Денов агросаноат касб-ҳунар коллежининг 2-босқич талабаси Ўрол Эргашевнинг янги трактор лойиҳаси вилоят фермерларида қизиқиш уйғотмоқда. "Ахборот технологиялари ва рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар, ишланмалар" номинациясига тақдим этилган янги машина лойиҳаси ғўза қатор ораларига ишлов бериш билан бир вақтда уни бегона ўтлардан тозалайди ҳамда минерал озуқа беради. Мутахассисларнинг айтишларига қараганда, янги трактор ишчи кучи ҳамда ёқилғимойлаш маҳсулотларини тежашда ҳам кўплаб афзалликларга эга.

ХОРАЗМ. Боғот туманида чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда янги корхоналар ишга туширилмоқда. Бешариқ қишлоғида яшовчи тадбиркор Бахтиёр Иброҳимов "Агробанк" ОАТБ дан имтиёзли кредит олиб, "Бешариқ сут"МЧЖни ташкил этди. Бу ерда Хитой Халқ Республикасидан келтирилган, бир кеча-кундузда 300 литр сутни қайта ишлаш қувватига эга технология асосида ўнга яқин турда сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ. Куни кеча вилоят "Агромашсервис" бирлашмасига 10 дона янги "Магнум"МХ-255 русумли ҳайдов тракторлари олиб келинди.

"Жами 25 та ана шундай ҳайдов тракторлари келтирилиши кутилмоқда, —дейди вилоят "Агромашсервис" бирлашмаси раҳбари Наби Боболов.— Уларнинг ҳар бири мавсумда уч минг гектардан зиёд майдонни шудгорлаш қувватига эга. Янги техникаларни сотиб олишимиз учун вилоят "Агробанк" ОАТБ жорий йилда 6 миллиард 800 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратди".

20 ОКТЯБРЬ — ХИВА КУНИ

Оламни асир этган шаҳар

Хива — гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини ўзида мужассам этган бир мўъжизадир.

Ислом КАРИМОВ





Ҳар гал бу мўътабар, мўъжизакор масканда ажиб ҳис-туйғуларни туяман. Шу муқаддас тупроқда туғилиб ўсган улуғ алломалар, беназир авлиёлар руҳи гўё атрофимда кезиб юргандай, менга, шу юртда умргузаронлик қилаётган нурли келажакка ишонч билан боқаётган ҳар бир ватандошимга битмас-туганмас руҳий озуқа улашаётгандай, куч-ғайрат ато этиб, янги марралар сари даъват этаётгандай туюлаверади. Зеро, қадимий Хива шаҳри дунё цивилизациясига бениҳоя улкан улуш қўшган маданият бешикларидан биридир. У ўзининг бетакрор бой тарихига, юксак маънавий меросига, жаҳоннинг ҳеч қайси мамлакатида учрамайдиган осори-атиқаларига, обидаларга эга бўлган музей-шаҳардир.

Хива шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Юртбошимиз бу ҳақда шундай юксак таъриф берган эдилар: "Хоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган адабиёт ва шеърият масканн, дунёвий илм ўчоқларидан бири экани қувончли ҳодиса. Хоразм воҳасининг тарихий-маданий мероси бевосита Хива шаҳри тарихи билан боғлиқдир".

Дарҳақиқат шундай. Хива деганда дунё аҳли кўз ўнгида қадим-қадимдан етти иқлимга танилган буюк шоирлар, олимлар, бағрикенг, меҳнаткаш инсонлар гавдаланган. Инсоният тарихида улкан билим ўчоғи саналган Маъмун академияси ҳам айнан Хоразмда ташкил этилган. Бу йирик билим масканида жаҳон илм-фани осмонида ёркин из қолдирган табаррук сиймолар Муҳаммад Ал-Хоразмий, Ал-Беруний ва бошқа кўплаб олимлар фаолият кўрсатган. Шеърият бўстонининг дарғаларидан Огаҳий, Комил Хоразмий, Мунис, шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон соний-Феруз шу юртнинг фарзандларидир. Буюк файласуф, давлат арбоби Нажмиддин Куброни бутун дунё билади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён икки улкан саҳро — Қорақум ва Қизилқум ўртасида жойлашган бу гўшада беқиёс ўзгаришлар рўй берди. Унинг қиёфаси таниб бўлмас даражада чирой очди. Айниқса, кейинги йилларда халқимизнинг қадимий қадриятлари қадр топаётгани туфайли шаҳарда кўплаб янги иморатлар қад ростлади. Қадимда бунёд этилган масжидлар, мадрасалар ва бошқа зиёратгоҳлар қайта таъмирланди, ободонлаштирилди. ЮНЕСКО шаҳардаги Ичан-қалъа мажмуини ўз тасарруфига олгандан кейин Хивага бўлган эътибор ва қизиқиш жаҳон миқёсида янада кучайди.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг "Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда ўзгача тароват касб этган музей-шаҳар бутун борлиғини жаҳонга кўз-кўз қиляпти. Америка Қўшма Штатларидан келган олим Артур Раештам "Хиванинг музей сарҳадларини кезиб, унга тенг келадиган музейни кўрмаганимни тан олдим," — деганида минг бора ҳақ эди.

Германиялик олим Вольфганг Шлотман бу мўъжизакор маскан ҳақида шундай ёзади: "Хива — ажойиб шаҳар. Унга ташриф буюрганлар бир-бирига туташиб кетган ёдгорликлар мажмуини кўриб, ўзини эртаклар диёрида юргандек ҳис қилади. Мен тилшунос олим сифатида бу ердаги ҳар бир обида, ҳар бир устун, ҳар бир тош изоҳларсиз ҳам ўтмишдан ҳикоялар айтиб беришига аминман".

Дарҳақиқат, Хива жаҳон аҳлини том маънода ўзига жалб қиляпти. Вилоятда бўлгани каби Хивада ҳам туризмни ривожлантириш бўйича катта ишларга қўл урилмоқда. Шу боис кейинги йилларда Хивага келаётган сайёҳлар оқими тобора кўпаймоқда. Ҳозирда воҳага, хусусан, Хивага Япония, Италия, Германия, Австрия каби давлатлардан келаётган сайёҳлар сони ортиб бормоқда.

Бугун ўзининг муҳташам тарихий обидалари, турли ноёб осори-атиқалари, бой маънавий мероси билан бутун дунёни ҳайратга солаётган Хиванинг қадимий тарихи, унинг пайдо бўлишига оид маълумотлар ҳар бир кишини қизиқтириши табиий. Бу ҳақда турли битиклар, ривоятлар мавжуд. Олимлар, қадимшунослар Хиванинг ёшини 25 асрдан ошган дея таъриф-лашади. X асрда яшаб ўтган араб тарихчиси Истахрий Хивани ўша даврнинг йирик шаҳарлари қаторига қўяди. Яна бир тарихчи Ёқутнинг асарларида ҳам Хива катта карвон йўли (Буюк ипак йўли) устида жойлашган йирик шаҳар сифатида эслатилади. Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Хивакийнинг "Дили ғаройиб" асарида қизиқ маълумотларни учратиш мумкин. Бу асарда Хоразмнинг қадимий қалъалари ҳақида сўз юритилади: "Бу мамлакатнинг қалъаларидан яна бири Қалъаи Рамл бўлиб, у Сим ибн Нуҳ томонидан барпо этилган, ҳозирги номи Хивак деб аталади".

Машҳур академик Яҳё Ғуломовнинг илмий изланишларига қараганда: "Хейконик қадимий Хоразм тилида "катта", "кенг" маъносини англатган. Ана шу канал бўйида Хива шаҳри қад ростлаган..."

Кейинги йилларда Хива шаҳри, шунингдек, тумани катта бунёдкорлик майдонига айланди. Шаҳар ва туманнинг барча қишлоқларида шинам, замонавий турар жой бинолари қад ростламоқда, янги корхоналар бунёд этиляпти.

Тўртта қишлоқда телефон станцияси қурилиб, ишга туширилди. Қатор қишлоқларда врачлик пунктлари ишлаб турибди. Ўнга яқин дўкон, умумий овқатланиш шохобчаси, маиший хизмат кўрсатиш уйлари эл хизматида. Гандимиён қишлоғида янги эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона ташкил этилди. Саёт қишлоғи марказида маҳалла гузари ташкил этиш бўйича ер майдони ажратиб берилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бу қишлоқда яшайдиган 143 та кам таъминланган оилага ҳомийлар ҳисобидан бепул қорамоллар берилди. Еттита кам таъминланган оила фарзандларининг олий ўқув юртларида ўқишлари учун 7 миллион сўм тўлов-контракт пуллари тўлаб берилди. "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида туман туғуруқ мажмуаси 20 миллион сўмликдан зиёд тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Айни кунларда Хива шаҳрида болалар учун мусиқа мактаби қурилиши қизғин давом этмоқда. Янги услубдаги деҳқон ва буюм бозорлари қуриляпти.

Хива қадимдан ўзининг нақшинкор гиламлари билан довруқ таратган. Хива шаҳридаги "Хоразм гиламлари" масъулияти чекланган жамиятида шу йилнинг ўтган даврида қарийб 300 минг квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари тайёрланди. Режа 120 фоизга уддаланди. Жамоа ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш, корхонани модернизациялаш, янги иш ўринларини яратиш, маҳсулотнинг таннархини арзонлаштириш устида иш олиб боряпти.

Хоразмнинг жавоҳири бўлган Хива қадимдан маънавият ва маърифат ўчоғи дея эътироф этилган. Шу йилнинг май ойида бу ерда ўтказилган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивалида жаҳоннинг кўплаб давлатларидан таниқли санъат намояндалари, меҳмонлар иштирок этишди. Икки кун давом этган анжуманда меҳмонлар қадимий шаҳарнинг кечаги куни, бой тарихий ўтмиши, бугуни ва порлоқ келажаги тўғрисида маълумотлар олдилар.

Музей-шаҳарнинг ўзида халқ амалий санъати дурдоналарининг юзлаб турлари мавжуд. Бу борада хивалик санъат намояндалари, олимлар, ижодкорлар ҳозир ҳам изланишда. Яқинда Хива Ичан қалъа музей қўриқхонаси Хоразм амалий санъати бўлими мудири Одилбек Иброҳимов хайрли ишга қўл урди. Унинг илмий изланишлари туфайли "Амалий санъат атамалари" луғати нашр этилди. Луғат жамоатчилик томонидан илиқ қутиб олинди. У мактаб ўқувчисидан тортиб, ўқитувчилар, изланиш олиб бораётган илмий ходимларга ҳам қўл келмоқда.

Хиваликлар истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқларни янада кўпайтириш, муваффақиятларни мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилишяпти. Давлатга пилла, дон сотиш режасини ошириб адо этган хиваликлар куни кеча улкан довондан ошдилар — давлатга пахта топшириш йиллик шартномавий режани ҳам муваффақиятли уддаладилар.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири

АДЛИЯ

Хориж сармояси ҳимояда

Тошкент вилояти ҳудудида 230 дан ортиқ хорижий ва қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткичнинг йилдан-йилга кўпаяётганини республикамизда хорижий сармоядорларга яратилаётган шарт-шароитлар, амалдаги қонунчиликка биноан уларга берилаётган имтиёзларнинг самараси сифатида кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда турли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражасини оширишни мақсад қилган бундай корхоналарга адлия идоралари томонидан уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга катта эътибор қаратилган.

Хусусан, Тошкент вилоят адлия бошқармасининг *"Ишонч телефони"* орқали корхоналар билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиб, уларнинг фаолият юритишига тўсқинлик қилаётган ҳолатларни ўрганиш амалиётининг йўлга қўйилиши ҳам бу борадаги ишлар самарадорлигини ошираяпти.

Жорий йилнинг шу кунига қадар бошқармамизнинг мазкур бўлимига келиб тушган ариза-шикоятларнинг барчаси белгиланган муддатларда ўрганиб чиқилиб, қонуний ҳал этилди.

Хусусан, ўтган давр мобайнида адлия бошқармаси томонидан қўшма корхоналар манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан Тошкент вилояти хўжалик судига 194 та 454.802.261 сўмлик даъво ариза киритилди. Шундан, 149 та даъво қаноатлантирилиб, қўшма корхоналар фойдасига 453.540.985 сўм ундирилди.

Айтиш жоизки, судларга хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга етказилган моддий зарарни қоплашдан ташқари, уларга етказилган маънавий зарарларни ундириш юзасидан ҳам чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу эса хорижий сармоядорларнинг нафақат мулкий ҳуқуқларини, балки уларнинг инсонийлик қадр-қимматининг ҳимоя қилинишидан ҳам далолат.

Масалан, Олмалиқ шаҳар Давлат солиқ инспекциясида ўтказилган ўрганиш давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Тошкент вилояти солиқ бошқармасига тақдимнома киритилди. Тақдимнома тўлиқ қаноатлантирилиб, Олмалиқ шаҳар ДСИнинг масъул ходимига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 18^1-, 18^2-моддаларига асосан интизомий жазо чораси тариқасида ўртача иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима қўлланилган. Шунингдек, хато ва камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазоси қўлланилди.

Мана шундай ҳолларда, баъзи мансабдор шахслар томонидан қонунбузилиш ҳолатларини содир этилиши нафақат ортиқча қоғозбозликни келтириб чиқаради, балки хорижий сармоядорларнинг эркин фаолиятга ишончи сусайишига олиб келиши мумкин.

Бошқарма томонидан шунга ўхшаш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида "Хорижий сармоялар ва хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими" иш режасида тегишли чоралар белгиланиб, бу борада бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Олмалиқ шаҳар ва Зангиота, Юқоричирчиқ туманидага шундай корхоналарнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан туман-шаҳар давлат бошқарув органлари, аниқроғи, Давлат солиқ инспекцияси, ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларида ўрганишлар ўтказилиб, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Бошқарманинг мазкур бўлими томонидан 2010 йил биринчи ярим йиллигида ариза ва шикоятлар ҳамда ўрганишлар натижалари бўйича 22 та тақдимнома, 5 та огоҳлантириш киритилиб, 25 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Маъмурий жаримага тортиш бўйича судларга 4 та таклиф киритилди.

Ёқуб БОҚИЕВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Маънавий зарар ундирилди

"Эсер-4" акциядорлик жамиятига ходимлар бўлими инспектори вазифасига ишга қабул қилинганида И.Жуманов ўзида йўқ хурсанд бўлган эди. Нега хурсанд бўлмасин? Тоза иш, ойлик маоши тайин.

У ўзига топширилган ишни сидқидилдан адо этди. Унинг табиати шунақа эди. Уйда ҳам, ишда ҳам барча юмушнинг ўз вақтида бажарилишини ёқтирарди. Табиийки, маошини ҳам ўз вақтида олишни истарди. Аммо бир неча ой келишилган маошдан дарак бўлавермади.

Шундан сўнг у ўз ҳақини талаб қилишга ахд қилди. Қашқадарё вилояти адлия бошқармасига 1.800.000 сўм иш ҳақи ва 500.000 сўм маънавий зарарни ундириб беришни сўраб ариза ёзди. Адлия бошқармаси мутахассислари томонидан мурожаат ўрганиб чиқилганда, унинг ҳақлиги маълум бўлди. Адлия бошқармаси томонидан И. Жумановнинг фойдасига 1.800.000 сўм иш ҳақи ҳамда 500.000 сўм маънавий зарар ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Суд даъвони қаноатлантирди. Ислом Жуманов фойдасига "ЭСЕР-4" акциядорлик жамиятидан 1.800.000 сўм иш ҳақи ҳамда 100.000 сўм маънавий зарар ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Вилоят адлия бошқармаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Уларнинг мурожаатлари холисона ва ҳар томонлама кўриб чиқилиши таъминланаётир.

Қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишлича таъсир чоралари қўлланмоқда. 2010 йилнинг ўтган ойлари мобайнида вилоят адлия бошқармасига 249 нафар фуқаро турли масалаларда ёрдам сўраб мурожаат қилди. Шундан 121 та мурожаат қаноатлантирилди. Яъни 45 та мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилган. 82 та мурожаат ваколатли идораларга юборилган. Мурожаатлар ўрганилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан 10 та, жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан 1 та таклиф берилган. Шунингдек, 45 та тақдимнома киритилиб, 26 нафар шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари кўрилган. Судларга 149.631.590 сўмлик моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида 62 та даъво аризаси ҳавола этилган.

Абдумуталиб ДАДАЖОНОВ,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ҚЎНАЛҒАДАГИ СУҲБАТ

Аслида биз тасодиф деб ўйлайдиган ҳодисалар шунчаки ўз-ўзидан содир бўлмайди. Шу боис умр йўлларимизнинг бурилиш нуқталарида баъзан тасодифлар кутиб туради.

Ажойиб инсон, адабиёт муҳиби Азамат ака Бекмирзаев билан танишувимиз ана шундай тасодифлардан бири бўлган. У киши орқали яна бир ажойиб инсон, тиббиёт тараққиёти учун катта ҳисса қўшган олим Абдукарим Усмонхўжаев билан танишиб қолдим. Абдукарим ака кутганимдан-да зиёда шифокор, боз устига дилкаш адиб экан.

Билҳақ, одам кўзгуга қарамай, ўз чеҳрасини кўролмайди. Лекин ёнидаги инсонларга боқиб, ўзлигини англаши мумкин. Мен ҳам Абдукарим ака билан диллашганим сайин кўнглим мурватларини созлай бошладим. Ўшанда унинг илк саволи мени анча довдиратиб қўйган эди:

— Сиз кимсиз?

— Комилман, — дедим яқиндагина нашрдан чиққан китобимни у кишига тақдим этарканман.

Абдукарим ака китобга ўйчан тикилди-да:

— Қўналға... — деди чўзиқ оҳангда ва қўшиб қўйди. — Қўниб ўтиш...

Китобдан кўзларини олиб, «Тўғрими?» дегандай менга саволомуз тикилди. Мен тасдиқ ишорасини қилдим-да, шундай дедим:

— Бу дунё вақтинча бекат...

— Ҳа, вақтинча бекат. Қалб, дил, юрак ҳам унда қўналға, — деди у.

Биринчи марта нотаниш одам қўлига китобимни олиб, «Қўналға» нима дегани?" деб сўрамаганидан хурсанд бўлдим.

Суҳбатимиз қовушганидан кўнгли тўлган Азамат ака бизни ҳоли қолдириб, дуторини қўлига олди-да, шогирдлари ҳузурига чиқиб кетди. Дарвоқе, ҳар жума куни биз суҳбатлашаётган шу бинода бир неча шинавандалар дутордан сабоқ олишаркан. Абдукарим ака ҳам улар қатори дутор чалишни ўрганаётган экан. Бу у кишининг дилкаш инсон — Азамат ака Бекмирзаевга кўрсатаётган садоқатининг рамзи бўлса керак. Дутор илмининг устаси Азамат ака эса кўнглига хуш ёқувчи юмуш топилганидан боши осмонда.

Абдукарим ака билан суҳбатимиз беҳудуд уммондай мавжланиб, тўлқинланиб бораверди. Гурунгимиз илму урфон мавзусига бурилди. Абдукарим ака бу борада ҳам бағоят дониш эканлар. Ҳар бир фикрларини тиббиётга боғлаб, вужуд, онг, юрак, кўнгил билан пайваста қиларди.

— Баъзи одамларда ўзини ўзи огоҳлантирувчи, ҳимоя этувчи ғойибона куч бор. Фақат унинг илмий томонини англашга ҳозирча ожизмиз, — дея гап бошлади у.

Мен Абдукарим аканинг ҳар бир сўзини юракдан ҳис қилиб, гапнинг маромини билиб, айрим жумлаларга алоҳида урғу беришига ҳайратланаман. «Ҳам табибу ҳам адиб» номли китобига кирмиш ушбу тадқиқотларнинг нечоғли чуқурлигини ўйлайман, унинг куюнчак олимлигига ҳавас қиламан.

— «Дорисиз қалб давоси» китобингизни ўқиб, нечоғли қувонганимни сўз билан ифода этолмайман. Ахир мен ҳам дорисиз даволаш тарафдориман. Айниқса, мусиқа билан даволаш услубига кўпроқ эътибор беришларини истар эдим. Мусиқа билан даволаш қадим замонларда кенг йўлга қўйилган экан. Ал-Хоразмий Бағдодга келгач, шаҳарнинг таниқли олимларидан бири уни имтиҳон этибди. «Тиббиётда даволашнинг уч тури бордур, сизга аларнинг қай бири кўпроқ хуш келади?» деб сўрашганида, ал-Хоразмий: «Бизда даволашнинг уч эмас, тўрт тури бордур:

Бири сўз, дори бири,
кескир пичоқдур биттаси,
Дақи Хива мулкида
машҳур эрур сознинг саси.

Менга ана шу тўртинчиси, яъниким соз билан даволаш усули кўпроқ хуш ёқадур, деб жавоб берган экан.

— Чиндан ҳам ширали, ёқимли овозлар инсон қалбига сирли ҳаяжон солади, унинг руҳиятини тетик қилади. Саъдий Шерозий куй ва қўшиқни «руҳ озуқаси» деб бежиз айтмаган. Киши куй тинглаганида жаҳолатдан йироқлашади. Муҳаббат, садоқат, гўзалликни ҳис этади. Айтишларича, Жалолиддин Мангубердининг отаси давлат ишлари билан одамларни қабул қилишдан аввал соз чалиб, руҳини поклаб олар экан.

Суҳбатимиз асносида Абдукарим ака келгуси режалари, кўнглига тугиб қўйган ишлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Руҳан навқирон бу инсонга жуда ҳавасим келди.

Суҳбатимиз яна инсоннинг руҳият оламига кўчди.

— Руҳнинг вужудга алоқаси шуки, — дея сўз бошлади Абдукарим ака, — Тан чироқнинг мойи бўлса, руҳ ундаги ёниб турган шуъладир. Руҳ ва вужуд бирлиги ва баркамоллигидан инсон қалби нурафшон бўлади.

Ҳа, инсон коинотнинг буюк мўъжизасидир. У бошқа мавжудодлардан фарқли ўлароқ ўзини англашга, борлиқ ва йўқлиқ аро руҳий поклик йўлини танлашга интилиши туфайли ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Мен қўли енгил шифокор, истеъдодли қаламкаш Абдукарим Усмонхўжаев билан суҳбат қуриш давомида бу фикрга яна бир бор амин бўлдим.

Комил АВАЗ

ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИДА ЖУРНАЛИСТ ИШТИРОКИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда, шу йўл билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда юртимиздаги оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистларнинг хизматлари катта.

Мамлакат тараққиётини юксалтириш мақсадида янги-янги қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Уларнинг аксарияти инсон ҳуқуқлари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ. Бундай муҳим ҳужжатлар билан таниш бўлмаслик, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ англамаслик, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушунмаслик шу соҳада қалам тебратувчи журналистни ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Чунки журналистнинг матбуот саҳифаларидаги ҳар бир чиқиши жамоатчилик назарида туради. Шу сабабли ҳам қалам аҳлининг ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлиши ва уларга амал қилиши давр талабидир. Масалан, шахсий ҳаёт дахлсизлиги шахснинг туғилиши билан вужудга келадиган ва ҳеч кимнинг унга аралашишига йўл қўйилмайдиган жиҳатлар мавжуд. Шахсий ҳаёт дахлсизлигига оид шундай маълумотлар бўладики, уларнинг оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилиши умуман мумкин эмас. Жумладан, фуқаролик ҳолати далолатномалари ва улардаги ёзувлар, фарзандликка олиш билан боғлиқ маълумотлар, нотариал ҳаракатлар, ҳатто нотариатга мурожаат қилингани ҳолатлари, фуқароларнинг мурожаатларидаги шахсий ҳаётга тааллуқли маълумотлар, тиббий муассасаларга мурожаат қилиш, касаллик белгилари, тарихи, жисмоний, руҳий ва бошқа камчиликлари каби маълумотлар қонунчиликка мувофиқ сир сақланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 125-моддасида етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан қўриқланадиган сирини ошкор қилганлик учун, 143-моддасида хат-ёзишмалар, телефондаги сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиш тартибини бузганлик учун, 144-моддасида фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқ шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этганлик учун, 239-моддасида суриштирув ва тергов материалларини ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарликлар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида «Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади», деб белгилаб қўйилган. Бу меъёрларни билиш журналистга жуда катта масъулият юклайди. Чунки инсон шаъни ва қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини топташ, шахсий ҳаётига аралашиш, бир йўла жиноий, моддий ва маънавий жавобгарликларни келтириб чиқариши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 100-моддасига асосан фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ва ўзига етказилган моддий зиён ва маънавий зарарни қоплаш тўғрисида даъво қилиш ҳуқуқига эга.

Амалиётда айрим тижорат газеталари саҳифаларида баъзи шахсларнинг суратлари уларнинг рухсатисиз босиб юборилади. Натижада суд қарорига асосан таҳририятнинг катта миқдордаги моддий ва маънавий зарарларни қоплашига тўғри келган. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасига мувофиқ: «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга».

Шундай кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун мамлакатимиз журналистларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид тушунчаларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситлари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан туркум тадбирлар амалга ошириб борилаётгани эътирофга моликдир. Кейинги йилларда журналистларни янада илҳомлантираётган, журналистик материаллар сифатининг ошишига хизмат қилаётган тадбирлар сирасига «Олтин қалам» халқаро кўрик-танловини, «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» ижодий кўрик-танловини мисол келтириш мумкин. Мазкур тадбирлар журналистларни ўз устида кўпроқ ишлаши, инсон ҳуқуқлари борасида янада кўпроқ билимларга эга бўлиши учун омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талабларидан келиб чиққан ҳолда, журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича олий таълим муассасаларининг ўқув режаларига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситалари иштирок этишининг миллий ва хорижий тажрибасини ўрганишни назарда тутадиган махсус ўқув дастурлари киритилишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Пировардида, бундай ўқув дастурлари журналистларнинг инсон ҳуқуқларига доир қонунчиликни мукаммал даражада ўзлаштириши учун хизмат қилади.

Сўнгги йилларда техника воситаларининг ривожланиши ўзига хос янги муносабатларни вужудга келтирмоқда. Шу жумладан, шахсий ҳаёт дахлсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқларни ҳимоя қилишда компьютер технологияларидан фойдаланиб, ахборот олиш ва ахборот тарқатиш имконияти кенгаймоқда. Бунда бир томондан янги ахборотлар олиш имкониятлари кенгайишидан ташқари жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлар базаларига кириб, ундаги маълумотлардан ғайриқонуний фойдаланиш: овоз ёзиш, суратга олиш, суратларни ёки видеотасмаларни ўзгартириб, шахснинг шаъни ва қадр-қиммати-ни поймол қилиш мутлақо қонунчиликка зиддир. Бундай

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ҳолат фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигига оид ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Масаланинг хавфли томони шундаки, овоз ёзиш, суратга олиш воситалари бугунги кунда жуда кўплаб ёшларимиз фойдаланадиган уяли телефонларда мавжуд бўлиб, улар билиб-билмай бундай воситалар ёрдамида ўзгаларнинг шаъни ва қадр-қимматига, нафсониятига тегадиган ҳаракатларни содир этиш, ноқонуний йўллар билан олинган ёки ясалган сурат, тасвир ва бошқа ахборотларни интернет, уяли телефонлар орқали тарқатиш ҳоллари кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасида белгиланишича, жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборотлар тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тегишли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш тақиқланади. Шу нуқтаи назардан, юртдошларимизнинг, айниқса фарзандларимизнинг бу каби жиноий йўлларга киришдан сақлаш, уларга қўлидаги оддий бир ўйинчоқ бўлиб кўринган мобиль телефонлардан нотўғри фойдаланишнинг оқибатларини тушунтириш ҳам журналистлар зиммасига тўғри келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, журналистлик касби қанчалар шарафли бўлса, шунчалик машаққатли ҳамдир. Чунки, унинг ҳар бир одими инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан тўқнаш келади. Аввало уларга ўзи риоя қилиши, аҳолига, тўғри ахборот етказиш шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш журналистдан катта билим ва кўникмани талаб қилади. Ўшандагина жамиятда журналистнинг мавқеи юксак, ўрни мустаҳкам бўлади.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
ҳуқуқшунос

ҚАНЧА БИЛСАК, ШУНЧА ОЗ

«Компьютер синдроми» ҳақида

Оҳанрабодек ўзига тортадиган ва кун бўйи бизнг ёнидан бир қадам нарига силжитмайдиган компьютернинг инсон организмига етказадиган зарарлари ҳақидаги «ҳақиқат»ни ҳамма ҳам билмаса керак. Шу боис мутахассисларнинг бу мавзуга оид фикрлари билан таништиришни мақсадга мувофиқ деб билдик.



Шоҳида Дадамуҳаммедова, олий тоифали шифокор, кўз жарроҳи:

— Инсон аъзоси саналган кўз компьютер нурларидан энг кўп зарар кўради. Унинг олдида узоқ муддат ўтириш "Компьютерли кўриш синдроми" хасталигини келтириб чиқариши мумкин. Бунда кўз чарчайди, қизаради, ёшланади, ранг фарқлаш қобилияти бузилади. Оқибатда узоқни кўролмаслик, кўз гавҳари хира тортиши каби хасталиклар юзага келади. Бу дардга чалинмаслик учун кўз шифокори билан маслаҳатлашган ҳолда дисплей олдида махсус кўзойнак тақиш тавсия қилинади. Ҳар 10-15 дақиқада нигоҳни экрандан четга олиш ва белгиланган турли машқларни бажариш кўз учун анча фойдали.

Бахтиёр Пирматов, компьютер мутахассиси:

— Компьютер турган хонанинг ёруғлиги кундузги ҳолатга яқин бўлиши керак. Галогенли манбалар ёритиш учун энг маъқул воситадир. Суюқ кристалли дисплейга эга бўлган ҳозирги замонавий (LCD) мониторларидан фойдаланиш тавсия қилинади. Мониторнинг орқа қисми зарарли бўлиб, иш жойингизда бошқа ҳамкасбингизнинг монитори сизга орқа тарафи билан ўрнатилган бўлса, ўзингиз компьютерда ишламасангиз ҳам зарарли таъсиридан "баҳраманд" бўласиз. Иложи борича компьютер қаршисида оқ ёки оқиш рангли кийимда ишлаш мақсадга мувофиқ. Чунки оч ранг нурни қайтаради, тўқ ранг эса аксинча.

Баъзан "Компьютер олдида ўтиришим билан бошим оғриб қолади, ҳар қанча дори ичмай барибир бефойда", деган шикоятларни эшитиб қоламиз. Яна бир ҳолат: эртадан кечгача компьютер олдида ўтириб ишлайдиган одамлар бироз олдинга эгилиб юришади. Кун бўйи тананинг ўзгармас ҳолатда бўлиши умуртқа поғонасининг қисқаришига сабаб бўлар экан. Бу ҳолатни тиббиёт қандай изоҳлайди?

Гули Эргашева, травмотолог-ортопед:

— Куни бўйи компьютерда ишловчиларнинг асосан бел ва бўйин қисмида оғриқлар пайдо бўлиб, бу оғриқлар қон-томир, оёқ-қўл бўғимлари касалликларига олиб келиши мумкин. Кўкрак соҳасидаги оғриқлар, яъни "программист синдроми" юрак қон-томири ва кўкрак қафаси аъзоларига хавф туғдиради. Компьютернинг асосий зарари бу ундан тараладиган нурдир. У ҳатто саратон хасталигига ҳам олиб келиши мумкин. Гавданинг доимий равишда бир хил ҳолатда туришига трапециясимон мускуллар ёрдам беради, бироқ бу мияга борадиган қон-томирларнинг зўриқишига сабаб бўлади. Оқибатда, бош мия соҳасида ботувчи оғриқлар пайдо бўлади.

Норбўта Ҳамроев, онколог:

— АҚШ олимлари ўтказган таҳлиллар натижасида компьютер билан доим мулоқотда бўладиган одамларнинг сийдик анализлари натижаси билан саратон хасталигига чалинган беморнинг анализ натижаларида ўхшашлик борлиги аниқланган. Компьютердан чиқадиган электромагнит нурланиш терида турли тошмалар ва ҳаттоки шишлар пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳаётимизга компьютер деб аталмиш мўъжиза кириб келди-ю, баъзилар учун у эрмакка айланди-қолди. Бу айниқса, ҳомиладор аёллар орасида авж олмоқда. Улар компьютерда кино, концерт ва бошқа турли кўнгилочар дастурларни томоша қилиш, ўйинлар ўйнаш ва ҳоказолар орқали ўзини чалғитишга уриниш кейинчалик нақадар қимматга тушишини тасаввур ҳам қилмасалар керак.

Дилафрўз Обидова, гинеколог:

— Компьютерда ишловчи ҳомиладор аёллар алоҳида эҳтиёткорликка риоя қилишлари лозим. Чунки туғиш арафасидаги аёлнинг компьютер олдида узоқ ўтириши ҳомиланинг бир меъёрда ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Натижада бола муддатидан аввал туғилиши, ортиқча вазн, гипертонус каби хасталиклар келиб чиқиши мумкин. Ҳомиладорлик пайтида, ҳафтасига 20 соатдан ортиқ вақтни компьютер олдида ўтказган аёлларда ҳомиладан айрилиш эҳтимоли анча юқори бўлади.

Уролог Дилмурод Собировнинг айтишича, икки йил мобайнида кунига олти, саккиз соат компьютерда ишлайдиган эркакларда жинсий фаолликнинг сусайиши кузатилади, бу ҳолат баъзан бепуштликка олиб келиши мумкин экан.

Яқинда бир танишим, фарзанди 5 ёшга тўлиши муносабати билан унга компьютер совға қилганини айтиб қолди. Ҳайрон бўлдим, беш яшар бола учун компьютер шунчалик зарурми? Аслида дугонам ўзининг ҳузур-ҳаловатини ўйлаб шундай йўл тутган экан. «Аввалари иш қилаётганимда ёки телефонда гаплашаётганимда ўғлим менга халақит берарди, компьютер олиб берганимдан буён бу муаммодан қутулдим. Ҳозир унга компьютер бўлса бас, ош-овқатиям, ўртоқлари ҳам компьютери бўлиб қолди".

Унинг мамнун бўлиб гапираётгани она сифатида мени ниҳоятда ташвишга солди. Ахир бунинг кони зарарлигини у наҳот англаб етмаётган бўлса?

Машҳура Исроилова,
олий тоифали шифокор, невропатолог:

— Компьютер асосан нерв системасига кучли таъсир кўрсатади. Экраннинг кўз илғамас липиллаши, процессор вентиляторнинг овози умумий асаб тизимининг ҳолсизланишига олиб келади. Бундан ташқари, сезги органлари сусаяди, ҳаракат мутаносиблиги бузилади. Оқибатда инсонда асабийлашиш, хотиранинг пасайиши каби нохуш ҳолатлар пайдо бўлади.

Аксарият компьютерда ишлайдиганлар кактус гулини темир қутидан чиқаётган зарарли нурларга қарши ҳимоя воситаси деб ҳисоблайдилар. Аслида ҳам шундайми? Йўқ, албатта. Буни ўз-ўзини овутиш деб ҳисоблаш лозим. Тобора ривожланиб бораётган ҳаётимизни «ақлли машина»ларсиз тасаввур қилиш қийин, чунки у мушкулимизни осонлаштирадиган асосий ёрдамчиларимиздан бири. Фақат ундан фойдаланишда айрим қоидаларга амал қилиш соғлиғимиз учун фойдали эканини унутмасак бўлгани.

Шаҳноза БАҲРОМЖОНОВА
тайёрлади

МАТБУОТИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ ЭГАЛАРИ

Талабалар битикларини ўқиб

Ҳар бир соҳанинг келажаги улғайиб келаётган ёш мутахассисларининг салоҳиятига боғлиқ. Албатта, журналистика ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, матбуотимизнинг эртаси ҳақида ўйлар эканмиз, бўлғуси журналист талабаларнинг битикларини ўқиб, таҳлил қилишга тўғри келади.

Сир эмаски, пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабалари дарсдан бўш вақтларида телевидение, радио ёки матбуот йўналишлари бўйича марказий ОАВларда амалиёт ўташмоқда. Таҳририятимизга келган ёшларнинг қораламаларини ўқир эканмиз, уларнинг ёзма нутқидаги равонлик, соддалик ва ихчамликни илғаганда, устозлардан рухсат сўраб, ойдин йўл тиласак, жумлалардаги бироз ғализликни пайқаганимизда, баҳоли қудрат биргаликда машқ қиламиз. Энг муҳими, ёш журналистлардаги фикр тиниклиги ва сўз танлашдаги моҳирликни кўриб, даврий нашрларнинг эртаси ана шундай тенгдошларимиз қўлида эканидан кўнглимиз алланечук ғурурга тўлади. Қуйида улардан айримларининг ижодидан намуналар келтирамиз.

"Халқимнинг нақадар улуғлигини тўла мадҳ эта олмасам-да, унга бўлган чексиз меҳрим сабаб қўлимга қалам тутдим.

Йироқ кетсам, ҳар нафасда ошиққаним, кимлардандир қизғанганим, кўкси осмон, ғурури уммон, бетакрорим — Ватан! Бағрингдаги барча неъматлар буюклигинг тимсоли, мағрурлигинг ва боқийлигинг нишонасидир. Мен эса сенинг қучоғингда армонсиз юрган, ишончингни оқлаш ниятида илм дурларини териб, баркамоллик сари одимлаётган фарзандларингдан бириман. Сени куйлаш, меҳрингга муносиб инсон бўлиш олий мақсадимдир", — деб ёзади соҳанинг сир-асрорларини ўрганишга астойдил бел боғлаган талаба қиз Маъмура Ёқубова. Унинг бадиаларидаги самимийликни кўриб, матбуотда бадиий публицистик жанрларнинг бардавомлигини таъминловчи ёшлар улғайиб келаётганига амин бўламиз.

Кейинги йилларда даврий нашрларда репортаж жанрига мансуб мақолаларнинг камайиб бораётгани танқид қилинаётган. Аммо ёш қаламкаш Гулнисо Сайдалиеванинг мақолаларини кузатар эканмиз, ажойиб репортажлар ёза оладиган навқирон журналист шаклланаётганининг гувоҳи бўламиз:

"Талабаман. Факультетдан чиқарканман, атрофни кузатиш имконияти пайдо бўлади. Турфа одамлар, турфа хаёллар, турфа ташвишлар...

Кўчанинг нариги томонида сигарета чекиб турган ёшлар эътиборимни тортди. Тўғри, чекаётган йигитларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Эътиборимни тортгани эса унинг ёнидаги қиз эди. У бехижолат тамаки чекиб, сухбатлашиб турибди. Йигит эса бепарво. Узоқдан уларни кузатиб келавердим. Мени ажаблантиргани шуки, бўлғуси уй бекаси, жамият яратувчиси одамларнинг кўзи олдида ҳеч қандай истиҳоласиз чекиб турибди-ю, атрофдаги барча кишилар лоқайд", — деб ёзади у мақолаларининг бирида.

Журналистика факультетининг 3-курс талабаси Фарҳод Умаров эса "Ҳайрат манзили" сарлавҳали мақоласида қалбидаги аждодларимизга бўлган чексиз эҳтиром туйғусини қоғозга туширишга интилган:

"Ҳар бир миллатнинг буюклигини аждодларидан қолган меросга бўлган муносабати кўрсатади. Бу жиҳатдан юртдошларимиз ҳар қанча фахрланишса арзийди. Чунки диёримизда ўтмиш, бугун ва келажак ўртасида мустаҳкам кўприк ўрнатилган. Ушбу муштараклик "Ҳазрати Имом" мажмуасида ҳам яққол кўзга ташланади. Мазкур меъморий мажмуа кўҳна Тошкентнинг эски шаҳар қисмида жойлашган бўлиб, Имом Қаффол Шоший ҳазратларининг номлари билан боғлиқ. "Ҳазрати Имом" мажмуасининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни беқиёс. Юртбошимиз ташаббуси билан бу улуғ обидада кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди".

Қувонарлиси, бу ёш журналист мавзуни ёритишда фақатгина ўз мулоҳазалари билан кифояланмай, мажмуага ташриф буюрган сайёҳлардан ҳам интервью олишга муваффақ бўлган:

"Ушбу мажмуага ҳар куни зиёрат ва саёҳат илинжида минглаб кишилар ташриф буюришади. Улар орасида нафақат ватандошларимиз, балки чет эллик сайёҳларнинг ҳам борлиги қалбимизни ғурур туйғуси билан тўлдиради. Ўзини Кхард деб таништирган белгиялик меҳмон бу мажмуа ҳақида тўлқинланиб, шундай дейди:

— Ўзбекистонга иккинчи бор ташриф буюришим. Биринчи сафар саёҳатни шу ердан бошлаб, Бухоро ва Самарқандда ҳам бўлгандим. Бу гал эса Хива ва Термизни кўрмоқчи эдим. Аммо Тошкент аэропортига келиб қўнгач, бу мажмуани томоша қилмасдан кетолмаслигимни ҳис қилдим.

Ҳа, бу зиёратгоҳ қалбида ҳайрат шафақлари сўнмаган инсонларни доимо оҳанрабодек ўзига тортаверади", — дея мақоласига нуқта қўяди у.

Яна бир қаламкаш Зебинисо Ҳаитованинг ёзганларини ўқиганда, унинг ҳар бир воқеа-ҳодисага нисбатан ўзига хос ёндашуви, нуқтаи назари борлигини пайқаймиз. Шундай бўлса-да, у устозлари бераётган сабоққа амал қилиб, ўз нуқтаи назарини мутахассис фикри билан исботлашга уринади. Қуйида унинг сўзлашув одобига доир мақоласидан парча келтирамиз:

"Ҳар қандай ширин сўз, яхши гап тошни ёришга, музни эритишга қодир. Унинг ҳарорати қуёшнинг тафтидан ҳам қайноқроқдир. Биргина айтилган сўз инсон қалбини чароғон қилади ёки дилини вайрон этади. Буни кундалик ҳаётимизда жуда кўп ишлатадиган сўзларимиз "Сен" ва "Сиз" мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Ота-боболаримиз "Сен"дан кўра "Сиз" нинг қадр-қиммати баландроқлигини қайта-қайта таъкидлашганига қарамай, бу фикрга айримлар қўшилмайди. Фикрлар хилма-хиллигини инобатга олган ҳолда психолог Зухра опа Сирожиддиновага қулоқ тутдик.

"Кишилар ён-атрофидагилар билан ҳулқ-атворлари мос келиб, бир-бирларини яхши тушуниб олишганидагина сенсирашади. Аммо баъзилар бу тарздаги яқинликни ёқтиришмайди, тўғрироғи, қабул қила олишмайди. Чунки бундай муносабат кўп ҳолларда муомала маданияти чегараларининг дарэ кетишига сабаб бўлади. Шундай экан, ҳар нарсанинг меъёрдагиси яхши", — дея фикр билдирди психолог", — деб ёзади муаллиф.

Табиийки, бир ёқламаликдан қочиш, мақолани турли томонлама таҳлилий фикрлар билан бойитиш журналистдан худо берган иқтидор билан бирга анчагина меҳнат ҳам талаб этади. З.Ҳаитованинг бу борадаги интилишини ижобий баҳолаш мумкин.

Талаба Ғазиза Содиқова эса танқидий руҳдаги мақолалар ёзишнинг ҳадисини олишни ният қилган кўринади. Унинг қораламаларини ўқир эканмиз, фикр айтишдаги дадиллиги ва ўз сўзини далиллар ёрдамида исботлашга уринишини алоҳида таъкидлашимиз керак.

Чунончи, "Бизга қандай реклама керак?" сарлавҳали мақоласида муаллиф шундай дейди:

"Бугун телевидение, радио ва матбуот нашрлари орқали турли маҳсулот ва хизматлар тўғрисидаги рекламаларни тез-тез учратиш одатий ҳолга айланиб бормоқда. Улар оммага маълумот тарқатиш билан бирга ё ижобий, ё салбий таъсир кўрсатади. Ушбу фаолият тури билан шуғулланувчи айрим мутахассислар эса ҳанузгача мана шу муҳим ҳақиқатни яхши англамаётгандек кўринишади".

ТАҲЛИЛ

Тўғри, муаллиф баъзи ўринларда ноаниқ далиллардан ҳам фойдаланган, аммо унинг қуйидаги фикрлари ўйлаб кўришга арзийди, назаримизда.

"Мобиль танишувлар" ҳақидаги рекламага қисқагина тўхталиб ўтмоқчиман. Унда келтирилаётган сўзларга эътибор беринг: "Зерикдингизми, ким биландир сўзлашгингиз келяптими?.. Энди барчасини унутинг... "Севги" сўзини ... рақамига жўнатинг". Ўз-ўзидан маълумки, бу кенг ёшлар оммасига мўлжалланган реклама. Аммо унинг моҳияти ҳақида нима дейиш мумкин? Мени мана шу савол кўпроқ ташвишга солади", — дейди у.

Англаймизки, бу ёш журналистнинг қалби уйғоқ. Уни жамиятдаги ютуқлар қувонтириб, камчиликлар ташвишлантиради. Аслида матбуот ҳам жамият кўзгуси эмасми?!. Демакки, унда юртнинг қувончли жиҳатлари билан бирга хавотирга арзигулик қусурлари ҳам ёритилиши керак.

Энг қувонарлиси, нафақат олий ўқув юртлари талабалари орасида, балки академик лицей ёки касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари орасида ҳам журналистикага ҳаваси баланд ёшларнинг кўплигидир. "Ҳа, энди, орзуга айб йўқ", — дейишимиз ҳам мумкин. Аммо Фарғона вилояти Риштон тумани академик лицейида таҳсил олувчи Чарос Низомиддинова ҳамда Қашқадарё вилояти Китоб тумани касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Дурдона Норовларнинг таҳририятимизга йўллаган мактубларини ўқир эканмиз, истеъдодли ёшларимизнинг кўплигидан қувонамиз.

Дарҳақиқат, ўз соҳасининг билимдони бўлган устозлардан пухта сабоқ олиб, марказий нашрларнинг таҳририятларида амалиёт ўташ жараёнида қаламни чархланиб бораётган ёшларни матбуотимизнинг чинакам эгалари дейишга ҳақлимиз.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДУНЁДАГИ ЭНГ ҚИММАТ ТЕЛЕФОН



8 миллион доллар қийматидаги смартфон типидаги телефон — iPhone 4Diamond Rose дунёдаги энг қиммат телефон дея баҳоланмоқда.

У британиялик дизайнер Стюарт Хьюс томонидан ишлов берилганидан сўнг шундай қийматга эга бўлди.

Телефоннинг орқа тарафига тилла суви юритилган, Apple логотипига эса 53 дона бриллиант ўрнатилган. Буюртмачининг хоҳишига кўра, платинали home тугмачасининг ўртасига 7,4 карат ҳажмга эга бўлган пушти ранг олмос ёки 8 каратли оқ бриллиант ўрнатиб берилиши мумкин. Хьюс ҳаммаси бўлиб 100 каратни ташкил қиладиган 500 дона қимматбаҳо тошдан фойдаланган.

Мазкур телефонни сотиб олмоқчи бўлган кишиларга гранитдан ясалган 7 килограммли сейф қўшиб берилади. У қимматбаҳо буюмларни сақлашга мўлжалланган.

БИРИНЧИ ХАЛҚАРО МАЖЛИС

Японияниng Ниигата шаҳрида Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигига аъзо мамлакатлар қишлоқ хўжалиги вазирлари иштирокида озиқ-овқат хавфсизлигига бағишланган биринчи мажлис бўлиб ўтди.

Австралия, Бруней, Вьетнам, Индонезия, Канада, Хитой, Малайзия, Мексика, Янги Зеландия, Папуа-Янги Гвинея, Перу, Россия, Корея Республикаси, Сингапур, АҚШ, Сянган (Гонгконг), Таиланд, Филиппин, Чили, Хитой Тайпэйи ва Япония вакиллари қатнашган ушбу йиғилишда Осиё ва Тинч океани ҳудудида яшаётган, дунё аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил этувчи одамлар тўйиб овқат емаслик муаммоларини бартараф этиш каби масалалар кўриб чиқилди.

БМТнинг озиқ-овқат дастури маълумотларида қайд этилишича, ўтган 2009 йилда ер юзи аҳолисининг 1 миллиарддан ортиғи очарчилик домига гирифтор бўлди. Бу сайёрамизда иқлим ўзгаришлари юз бергани ва қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигининг кескин пасайиб кетгани натижасидир.

2050 йилда дунё аҳолиси сони 9 миллиард кишига етади. Демак, ер юзида озиқ-овқат тақчиллиги юз бермаслиги учун маҳсулот етиштиришни дунё давлатлари 70 фоизга ошириши талаб этилади.

Йиғилишда, шунингдек, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигининг декларацияси қабул қилинди.

НОРОЗИЛИКЛАРГА САБАБ БЎЛГАН ИСЛОҲОТ

Франция президенти Николя Саркози Довилдаги чиқишида нафақа ислоҳоти кўп миллионли аҳолининг норозилигига қарамасдан амалга оширилишини маълум қилди. — Мазкур ислоҳот ниҳоятда муҳим, — дейди давлат раҳбари берган баёнотида.

Хабарингиз бор, Франция ҳукумати эркак ва аёлларнинг нафақага чиқиш ёшини 60 ёшдан 64 ёшга кўтармоқчи бўлганди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Германияда аёллар ва эркаклар 65 ёшга тўлгач, нафақага чиқади. Ислоҳотларга қарши ўтказилаётган оммавий норозиликлар натижасида 1500 дан зиёд ёқилғи қуйиш шохобчасига бензин ва дизель ёқилғиси етказиб берилмади. Нефтни қайта ишлаш заводларида бир неча кундан бери иш тўхтаган.

МУМБАЙДА ОЛМОС БИРЖАСИ

Дунёдаги энг йирик «Bharat Diamond Burse» олмослар биржаси Мумбайда ўз ишини бошлади.

Ушбу биржа мажмуасининг қурилишига 250 миллион доллар сарфланди. 9 қаватли саккизта минорадан иборат бинода савдогарлар ва олмос компаниялари билан бирга банклар ва божхона ҳам ишлайди. Биржанинг пул айланмаси келгуси йилда 22,7 миллиард долларни ташкил этиши кутилмоқда. 2009-2010 йиллар мобайнида Мумбайдан 610 миллиард рупийлик олмос экспорт қилинган. Ҳиндистон бу қиймбаҳо тошни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш бўйича дунёда олдинги ўринларда туради. Хорижга олмос сотиш мамлакат жами экспортининг 16 фоизини ташкил этади.

ШАХТЁРЛАР УЙЛАРИГА ҚАЙТМОҚДА

Жорий йилнинг 13 октябрида Сан-Хосе шахтаси қамалидан қутқариб олинган ва Копьяпо шаҳридаги шифохонага ётқизилган 33 нафар чилилик шахтёрдан 31 нафари шифохонадан чиқарилди.

Уларнинг саломатлигига ҳеч қандай путур етмаган. 2 нафари яна бир неча кун шифохонада қолиб, соғлиғини тиклайди.

«France Presse» ахборот агентлигининг қайд этишича, 5 август куни Сан-Хосе шахтасида авария юз берган, шахта оғзи ёпилиб, 33 нафар шахтёр 700 метр чуқурликда ташқи дунёдан узилиб қолган эди.

Уларнинг тириклиги ҳақида 17 август куни хабар топилди, яъни ўзларининг тириклиги ҳақидаги ёзувни бурғуга боғлаб қўйишди. Ер юзасидагилар бурғуни тортиб олгач, уларнинг тириклигидан хабар топишди.

Бурғулаб тешилган ўзандан шахтёрларга озиқ-овқат етказиб турилди. 13 октябрдагина улар махсус капсула ёрдамида тўлиқ қутқариб олинди.

ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР ИБТИДОСИ



Онкологик хасталикларни замонавий цивилизация «маҳсул»и дейишимиз мумкин.

Қадимги одамлар онкологик хасталикларга чалинишмаган.

Миср ва Жанубий Америкада топилган тахминан минг чоғли қадимги мумиёларни текшириб кўриш натижасида Манчестер университети олимлари шундай хулосага келишди.

Мутахассислар қарийб уч минг йил илгари яшаган одамларга азоб берган асосий касалликларни аниқлашди. Уларнинг таъкидлашича, сўнгги уч-тўрт асргача ҳам ракка олиб борадиган атиги бир-икки ҳолат бўлган. XVIII асрга келиб Европада саноат инқилоби бошлангач, онкологик дардлар оммалашиб кетган.

МЕРОС ҲАЙВОНЛАРГА ҚОЛДИ

Швейцариялик Эрик Морадпур ўтган йили 65 ёшида инфарктдан вафот этганди. У ўлими олдидан барча бойликларини, яъни 9 миллион франкни (тахминан 9,5 миллион долларга тенг) уйсиз дайдиб юрган уй ҳайвонларини ҳимоя қилиш Водуаз ассоциациясига берилишини васият қилган эди.

Мамлакатда рус тилида чоп этиладиган «Наша газета»даги хабарда қайд этилишича, яқинда 9 миллион франкнинг ярми Во кантонлигидаги бир нечта уй ҳайвонлари бошпанаси ҳисоб-рақамига ўтказилди.

Уй ҳайвонларини ҳимоя қилиш Водуаз ассоциацияси раҳбари Самюэл Дебро васият ҳақида эшитиб, «шок»ка тушиб қолди. Чунки шу пайтгача ҳеч ким бу қадар кўп маблағни хайрия сифатида васият қилиб қолдирмаганди-да. Ҳозиргача уларга қилинган энг кўп хайрия миқдори минг франкни ташкил этган холос.

Эрик Морадпур ўзига тўқ оилада ўсган. Асли Форс кўрфазидан бўлган унинг отаси Сулаймон Морадпурнинг Женевада уч қаватли улкан савдо дўкони бўлган. 1998 йили 92 ёшида вафот этган ва барча меросини беш ўғлига тенг бўлиб қолдирган.

Эрик Морадпур бой сулоладан бўлишига қарамай ёлғиз яшаган. Фақат биргина ити бўлган, холос.

АЛИМЕНТ ТЎЛАШНИ УНУТМАНГ



АҚШнинг Мичиган штатида ғалати суд жараёни бўлиб ўтди. Максигон шаҳрида яшовчи 44 ёшли Говард Вил ўн тўртта аёлга уйланиб, улардан 23 нафар фарзанд кўрган.

Ҳозир у ҳамма хотинлари билан ажрашган. Лекин битта боласига ҳам алимент тўламайди. Суд жараёнида баён қилинишича, унинг алиментдан қарзи 533 минг долларни ташкил этган.

Говард Вил судда айбини қисман тан олди. Алимент тўламаслигига эса ишсизлиги сабаб бўлаётганини таъкидлади. Суд баёнотида айтилишича, Вил биргина Гранд-Рэпидс шаҳрида яшовчи турмуш ўртоғидан алимент бўйича 60 минг доллар қарздор. Бошқа бир хотини Шерри Блэк билан етти йилдан буён бирга яшамайди. Шу давр ичида у икки боласи учун Блэкка бор-йўғи 87 доллару 75 цент алимент тўлаган холос. Ҳозир болалар 11 ва 16 ёшга тўлишди.

Суд Говард Вилни тўрт йилга озодликдан маҳрум қилди. Лекин бундан унинг хотинлари хурсанд эмас. Биз юқорида тилга олган Шерри Блэк "Унинг жазо олгани яхши. Лекин у алиментни тўлаганда жуда хурсанд бўлардим. Энди эса у мен тўлаган солиқ ҳисобига қамоқда ҳам ётади", — дея киноя қилди.

The Daily Mail газетасининг ёзишича, алимент тўлашдан қочиб юрган фақат Говард Вил эмас экан. Буюк британиялик Кит Макдональд ундан ҳам устаси фаранг чиқди. Бор-йўғи 25 ёшга тўлган йигитчанинг 14 аёлдан 14 нафар фарзанди бор. Тўламаган алимент пули миқдори эса бир неча юз минг фунт стерлингни ташкил этади.

Ҳали ёш бўлса-да Кит Макдональд пенсионер ҳисобланади. У ҳар ойда давлатдан олган 452 фунт стерлинг нафақа ҳисобига кун кўради. Врачларнинг таъкидлашларича, унинг елкаси оғрийди. Аммо бу касаллиги қисқа вақтда шунча аёлга уйланишига халақит бермаган.

Кит Макдональдни ҳали суд қилишгани йўқ. Бундан ташқари, Буюк Британияда алимент тўламагани учун олти ҳафта қамоқ муддати белгиланган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ДАРАКЛАР

ХОРИЖ АДАБИЁТИ

ҲЕРМАНН ҲЕССЕНИНГ ҚАЛБ ИЗҲОРЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида маънавий жасорат соҳиби атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов соғлиги ёмонлашиб қолган оғир шароитда ҳам «Жаҳон адабиёти» журналининг бош муҳаррири сифатида ўз бурчига, эътиқодига содиқ қолганини таъкидлайди.


Херманн Ҳессе

Бу ҳақда бежизгап очмадик. Биз қуйида тўхталадиган асар XX аср жаҳон адабиётининг йирик намояндаларидан бири, немис адабиётининг мумтоз адиби Херманн Ҳессе қаламига мансуб «Чўл бўриси» романининг немис тилидан ўзбек тилига таржимаси ҳам Озод Шарафиддинов таҳрир қилган асарлар сирасига киради.

«Чўл бўриси» романи ва унинг ўзбекча таржимаси ҳақида сўз юритишдан олдин бу асар муаллифининг ҳаёти ва ижод йўлига оид айрим муҳим маълумотларга тўхталиб, бу борадаги фикр-мулоҳазаларимизни газетхонлар билан баҳам кўришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

1946 йилда адабиёт соҳасида халқаро Нобель мукофотининг совриндори бўлган Херманн Ҳессе атоқли немис ва швейцар адиби, шоири, адабиётшуноси ҳамда публицисти сифатида бутун дунёга машҳурдир. У ўзининг кўплаб роман, қисса, ҳикоя, шеърларини, сиёсий, адабий-танқидий мақолаларини немис тилида ёзган. Шуни таъкидлаш керакки, Ҳессе китоблари энг кўп ўқиладиган XX аср адибларидан ҳисобланади.

Немис тилида учрайдиган «Dichter» сўзи нафақат «шоир» тушунчасини англатади, айни вақтда «ижодкор» деган кенг маънода ҳам қўлланади. Шундай экан, бу атамани Херманн Ҳессега нисбатан ишлатиш айни муддаодир. Аммо Ҳессе ижодининг ҳақиқий шинавандалари унинг айнан шоирлик хислатини негадир унутиб қўядилар. Ҳолбуки, Ҳессе ўзининг бутун ҳаёти давомида шеърият билан машғул бўлган. Бу хусусда у таржимаи ҳолида шундай ёзган: «Мен ўн уч ёшимда шуни ўзимга аниқ тасаввур этдимки, ё шоир бўламан ёки мендан ҳеч ким чиқмайди». 1899 йилда нашр этилган «Романтик қўшиқлар» шеърий тўплам унинг дастлабки китоби бўлиб, шеърлари соддалиги, самимийлиги ва оҳангдорлиги билан ажралиб турарди. Шуниси эътиборлики, адиб умрининг сўнгги йилларида чоп эттирган китоби ҳам айнан шеърий тўплам, охирги нафасда битган ижод намунаси эса «Синган бутоқ» номли видолашув шеъри бўлган. Унинг назмий асарлари прозаси сингари донг таратмаган бўлса-да, бу шеърлар шоир билан унинг адабий қаҳрамонлари ички дунёсидаги ўзаро уйғунликни, вобасталикни таъминлашга хизмат қилиши билан муҳимдир.

Херманн Ҳессенинг илк романи «Херман Лаушернинг ўлимидан кейинги иншо ва шеърлари» номи билан 1901 йилда нашрдан чиққан. 1904 йили эса янги романчилик услубидаги яна бир асари — «Петер Каменица» чоп этилган. Ҳар икки роман кўп жиҳатдан автобиографик хусусиятга эга бўлиб, уларда юксак мақсадларни дилига жойлаб олис сафарга чиққан ўсмир йигитнинг етук шахс, комил инсон бўлиб вояга етиш йўлидаги интилишлари, ёруғ орзу-хаёллари, руҳий кечинмалари фақат Ҳессе даҳосига хос бўлган инжа маҳорат билан бадиий талқин этилган.

Ҳаётда бахт билан бахтсизлик, омадлилик билан омадсизлик ҳамиша ёнма-ён, дейдилар. Ҳессе ҳам ўзи ва рафиқасининг хасталаниши, ёш оиланинг ажралиб кетиши каби қисматнинг аччиқ синовлари, шунингдек, кучли ижодий изтиробу туғёнлар қуршовида яхши-ёмон кунларни бошдан кечирар экан, ўзининг «Ғилдирак остида» (1906 йил), «Клингзорнинг сўнгги ёзи» (1917 йил) қиссаларини ва «Демиан» романини (1918 йил) ёзган. Айниқса, 1929 йилда чоп этилган «Наргис ва Гольдемунд» қиссаси Ҳессега катта шон-шуҳрат келтирган. Бу асар ўша даврда урф бўлганидек, руҳий-маънавий ва дунёвий ҳаёт муқоясасига асослангани билан китобхонлар эътиборини қозонган. Адиб 1931 йили «Бисер ўйини» романини ёзишга киришади. 1943 йилда нашр этилган ушбу асар адиб ижодининг сарҳисоби бўлгани, руҳий-маънавий ва дунёвий ҳаёт уйғунлиги ғояси юксак даражада тараннум этилгани билан таҳсинга сазовордир. Аҳамиятли жиҳати шуки, муаллиф ушбу романда нафақат ўз даврида, ҳатто бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб турган муаммони, яъни бу ёруғ оламда санъат билан ғайриинсоний тамаддуннинг қандай қилиб ёнма-ён мавжуд бўлиб келаётгани, адабий ижод дунёсини «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан қай тарзда сақлаб қолиш мумкинлиги каби оғир ва чигал муаммоларга ечим топишга интилган.

Асар 1946 йилда Нобель мукофотига лойиқ топилган. Адиб Гёте номидаги Франкфурт мукофоти билан ҳам тақдирланган. 1955 йилда эса Ҳессега Ғарбий Германия ноширлар ва китоб савдоси билан шуғулланувчилар ассоциациясининг «Тинчлик мукофоти» тақдим этилган. Орадан бир йил ўтгач, бир гуруҳ ташаббускорлар Херманн Ҳессе номидаги мукофотни таъсис этишган. Шунингдек, у Готфрид Келлер номидаги Цюрих адабиёти мукофотига ва Берлин университетининг фахрий доктори даражасига сазовор бўлган.

У 85 ёшида нафақат атоқли адиб, балки доно мутафаккир сифатида ҳам довруқ қозониб, обрў-эътибор шоҳсупасида дунёдан кўз юмган. Инсонпарвар адиб бутун умр қаламга таяниб яшаган. Унинг ҳаёти ва ижоди бағрикенглик, сабр-тоқат билан яшашнинг том маънодаги намунасидир.

«Чўл бўриси» адибга оламшумул шуҳрат келтирган психологик роман бўлиб, у XX асрда яратилган инсон руҳияти ва маънавияти ҳақидаги интеллектуал романлар силсиласининг немис тилидаги тўнғичларидан ҳисобланади. Асарда ўтган асрнинг 20-йилларида ривожланиб, саноати изчил тараққий этган жамият ботинидаги воқеалар эллик ёшлардаги ёлғизланиб қолган Ҳарри Ҳаллер тилидан ҳикоя қилинади. Адиб ана шу шахс тимсолида инсон ички дунёсининг, қалб ботинининг бениҳоя серқирра эканини маҳорат билан очиб бера олган. Асарда нафақат Ғарб, балки Шарқ фалсафасининг таъсири ҳам яққол сезилиб туради. Айниқса, романда инсоннинг ўз «мен»ига ва ҳаётнинг барча аччиқ-чучук томонларига қувноқ, некбин ҳамда вазмин-босиқ муносабати ўз ифодасини топгани диққатга сазовордир. Асарда ўз-ўзини таҳлил қилиш, ҳал этилмаган маънавий-руҳий зиддиятларни енгиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар қаламга олинади. Унда муаллифнинг олдинги асарларида озми-кўпми акс эттирилган Руҳга мурожаат этиш услуби ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Шунинг учун ҳам таржимон Ҳ.Ҳессенинг айнан шу асарини ўзбек китобхонларига бошқалардан олдин тақдим этгани алоҳида аҳамиятга молик.

Тил ва услуб жиҳатидан ўзига хос, юксак дид билан ёзилган жаҳон адабиёти дурдоналаридан ҳисобланувчи мазкур асар таржимаси мутаржимдан катта маҳорат ва билимни талаб қилиши табиийдир. «Чўл бўриси» романини таржима қилишда Мирзаали Акбаров обдон тер тўккани кўриниб турибди. Шу боис таржима матнининг тили равон, кераксиз бежамалардан ҳоли, осон ва енгил ўқилади. Китоб охирида асарда қўлланилган мураккаб сўз ва бирикмалар, тарихий ном ва жуғрофий атамаларнинг изоҳлари илова қилинган.

Маълумки, Ҳессе тириклигида ўз асарларида ҳақиқат поэтикаси ва тил софлигига эришишга қатъият билан интилган.

Китобнинг ўзбекча нашрига сўзбоши ёзган Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси атташеси Рабан Риҳтер халқаро миқёсда эътироф этилган ушбу роман таржимасининг аҳамиятини қуйидагича баҳолайди: «Ўзбек китобхони учун нафақат олмон адабиёти, балки жаҳон адабиётига ҳам мансуб мумтоз асарлардан бири билан ошно бўлиш, қолаверса, Херманн Ҳессенинг руҳий-маънавий дунёси, шунингдек, унинг ижоди билан яқиндан танишиш имконияти туғилди».

Бу фикрларга тўла қўшилган ҳолда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жоиз. Яъни, немис адиби ижодининг биз учун долзарб аҳамияти шундаки, Херманн Ҳессе бутун башариятнинг истиқболи дунё мамлакатларининг ҳамкорлиги, Ғарб ва Шарқ халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, инсонларнинг ўзаро меҳр-оқибати ҳамда аҳиллигига боғлиқ эканини олдиндан кўра олган. Айни шу ғояни ўз ижодида бир умр тарғиб-ташвиқ этган. Айниқса, «Чўл бўриси» романи Ғарб ва Шарқ ғоялари билан суғорилгани, улар ўртасидаги чамбарчас алоқаларни ўзида мужассам этгани билан ажралиб туради. Худди шу жиҳати билан ҳам ушбу асар бизга яқин, қадрдон.

Акмал САИДОВ,
профессор

ОЛИС ҚИШЛОҚ САДОСИ

ҲОСИЛ ОЛАР ЕРДАН... ЧЎПОНЛАР

Тонг бўзариб, она табиат мунаввар нурга чўмилаётган субҳидамда трамонинг илк дамларини томоша қилмоқчи бўлиб, арчазор оралаб қаршимда улуғворлик билан қўр тўкиб ётган тоққа ўрлаб бораяпман. Борлиқ ўзининг рўйлиги билан кўнгилни чоғлайди. Кечагина бир-бирига елка тираб турган азалий яйловлар бағридан бир пайтлардагидек чўпонларнинг «қурей»лашлари, қўй-қўзиларнинг маърашлари, отларнинг кишнаши-ю, какликларнинг сайрашлари эшитилмайди.

Бу осудаликни зов ва камар бошларида, арчалар орасида тарвақайлаб ўсиб ётган дўлана, учқат, писта ва яна аллақандай ёввойи дарахтларнинг шохлари учидагина илиниб турган олтин рангли япроқларнинг майин тоғ сабосида титраб, шивирлашлари бузиб турибди.

Қиш кўрпасини ёпишга ҳозирланаётган ўрмон гўзалликларига маҳлиё бўлганча бораётгандим, ногаҳон ён томонимдаги сийрак арчали пастликдан кимнингдир «Йўл, бўлсин?!», деган овози эшитилди.

Овоз келган томонга қарадим. Пастликда қорайиб кўринаётган молсиз қўтон бошидан менга қараб турган киши бошидан телпагини олиб «бу ёққа келинг» ишорасини қилди. Бу ёввойи жойларда мен каби ёлғиз юрган ким бўлди экан-а, деб қўтон томон нишабладим. Уларга яқинлашишим билан мени чорлаган одамни танидим. Чорвачилик жамоа хўжалигининг бошлиғи Неъмат Қобилов эди.

— Ҳа, бу ерда нима қилиб юрибсиз? — сўрадим атрофи тош девор билан омонатгина ўраб олинган майдон ўртасида ёнбошлаганича менга қараб турган чўпондан.

— Кўраяпсиз-ку, картошка қазияпман. Ана жўякларга бир қаранг, хирмон бўлиб ётибди.

Кўзларимга ишонқирамай, атрофимга қарайман. Ҳақиқатдан ҳам қазилган картошкалар пушталарда тўда-тўда, уюлган эди.

— Ие, ахир сиз чўпон бўлсангиз, мол боқасизми, картошка экасизми?

— Жўражон, хабарингиз бор, биз чўпон халқи апрель ойининг охирларида тўл олишни якунлаб, чўлдан туманимизнинг тоғ зонаси ҳисобланган Хўжақўчқор, Етимтов, Зовбоши, Ўрикли сувсиз, Санжар Биловтин ва Керага адрларида чорва моллари ёямиз. Менинг қўналғам шу ер. Бу ўтлоқни Сарикўҳ дейишади. 25 йилдан буён сурувимни чўлдан шу тоғ бағрига ҳайдайман. Сентябрь ойининг охирларида эса отарни яна чўлга, қишлов жойимга ҳайдаб кетаман...

Энди картошка тўғрисида гапирадиган бўлсам, бундан саккиз йил бурун ҳар йилгидек тўлни бойитиб, шу ерга келиб кўч ташлагандим. Бир куни қўтоннинг у ёқ-бу ёғини кўриб юриб, кўзим баравж ўсаётган картошка тупига тушиб қолди. Қани шуни парвариш қилай нима бўлар экан, дея бир картошка атрофини бўритикан билан ўраб, моллардан сақладим... Чўлга қайтиш, олдидан шу бир туп картошкани қазиб олдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳар бир донаси сапчадай келадиган ўн тўрт дона картошка олдим. Билмадим, неча кило чиқарди. Шу бўлди-ю, деҳқончиликка ҳам ихлосим тушди, ҳар йили тоққа келганимда картошка экаман. Мана, кўриб турибсиз, экин атрофини мол кирмайдиган қилиб ўраб олганман. Ўтган йили шу ердан 3 тонна картошка олдим. Рўзғоримдан ортган 2 тоннасини сотдим. Айни пайтда чўлиқларим молларни қишлов жойига ҳайдаб кетган, мен эса бу ерда қолиб картошка қазияпман. Чамамда 4 тонна ҳосил борга ўхшайди.

Фақат бугина эмас, булоқлар теварагига рўзғорга етарли помидор, пиёз, сабзи, шолғом, шивит, кашнич, ҳатто қовун-тарвуз ҳам экаман. Маданий ўғит сабаб ер кучли эмасми, ҳосил яхши бўлади. Мен ва икки нафар чўлиғимнинг рўзғорига етади.

Яйловимдаги булоқларда доим сув бўлиши учун вақти-вақти билан уларни тозалаб, «кўзи»ни очиб тураман. Натижада сув мўл, молга ҳам, деҳқончиликка ҳам етади. Ана энди тўғрингиздаги булоқлар атрофига кўз ташланг. Кўраяпсизми, мол емасин, пайхон қилмасин, деб ҳар бир туп дарахтнинг танасини қора ва бўри тиканлар билан маҳкам ўраб, боғлаб ташлаганман. Натижада 30 туп зардоли, олча, ёнғоқ, толлар барқ уриб, кўкка бўй чўзаяпти. Олди ҳосилга кириб қолди.

Тўғри, қишда баъзи бир ниҳолларимни қор босиб синдиради. Улар ўрнини баҳорда яйловга келишим билан янги навниҳоллар экиб, тўлдираман. Насиб этса, келгуси йили кўпроқ тол, терак экмоқчиман. Ёғоч ҳам керакда.

— Тоғ заминида фақат сиз деҳқончилик қиласизми?

— Йўқ. Ҳамкасбларим И.Мамасолиев, Х.Хўжамуродов, Ж.Хурсандов, Ф.Тоғайқулов, Э.Худойқуловлар ҳам белгилаб берилган яйловларида булоқ ҳамда қўриқ бўйларида мевали ва манзарали дарахт кўчатларини, оз-оздан сабзавот экинларини экиб келадилар. Уларнинг Ҳайдарбулоқ, Пишқоқ, Қўзибулоқ, Жўжабулоқ, Қулмозор, Оқтош, Қўшбулоқ яйловларида бунёд этган боғлари кўзга ташланиб қолди. Дастлабки ҳосил олишга ҳам киришдилар. Бироқ бундай чўпонларнинг сони кўп эмас. Шуни таъкидлаш жоизки, баҳор чўлдан тоққа ўрлагач, Бойсун туманининг тоғ яйловларига Сурхон воҳасининг бошқа туманларидан минг-минглаб қўй-эчкилар тоғдаги ўтлоқларимизга ҳайдаб чиқилади. Лекин уларнинг чўпончўлиқлари булоқларнинг кўзини очиш, сув йўлларини равонлаштириш, кўчат экишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Аксинча тоғлар қўйнидаги фойдали ва доривор гиёҳларни билиб-билмай топтайдилар. Арча ва ноёб дарахтларга болта уриб, ёввойи жониворларни овлайдилар.

Чўпонларнинг баҳорда яйловларга чиқиши олдидан вилоятимиздаги чорва мутахассислари йиғилиши ўтказилиб, уларга табиатни асраш, авайлаш, кўпайтириш шу кунинг долзарб масаласи эканини тушунтирсалар, кўп хайрли иш бўларди.

Хулоса шуки, вилоятимизда 2500-3000 нафарга яқин чўпон-чўлиқлар бор. Улар ҳам тоққа чиққанларида булоқларнинг «кўзини очсалар» сувлисой атрофидан ҳеч бўлмаса бир-икки сотих ер ўзлаштириб ўзлари учун экин-тикин қилсалар ва арчалар орасидаги очиқ ерларга 5-10 тупдан ҳар хил дарахт кўчатлари ўтқазсалар, нур устига аъло нур бўларди. Ўшанда инсонларга гўзаллик инъом этиб турган юксак тоғларимиз бағри янада кўркам, сайилгоҳ бўлиб, бугунги ва келгуси авлодларга узоқ умр бахшида этган бўлишарди.

Исмат НОРБОЕВ,
журналист

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

ЎРАГА СПИРТ «ТУШДИ»...



Эгри йўллар билан олиб кириладиган сифатсиз товарлар, айниқса, алкоголли маҳсулотлар маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари салоҳиятига, иқтисодиётимизнинг турли соҳаларига салбий таъсир этишдан ташқари юртдошларимизнинг саломатлигига жиддий хавф туғдиради.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги "Спиртли ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эса истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини кучайтириш, алкоголли маҳсулотларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши, сифатсиз, контрабанда йўли билан олиб келинган алкоголли маҳсулотларнинг сотилишига йўл қўйилмаслиги учун назоратни кучайтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Республикамиз божхоначилари томонидан мазкур қарор ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш мақсадида қатъий чора-тадбирлар кўрилган. Хусусан, шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда бу соҳада 668 та қонунбузарлик ҳолати содир этилишининг олди олинди. Қиймати 335 миллион сўмлик 77 минг литрдан ортиқ спирт ва алкоголь маҳсулотлар мусодара этилди.

Жумладан, Навоий вилояти божхоначилари Конимех туманидаги айланма йўлда ҳаракатланаётган "Газ-66" русумли юк автомашинасини кўздан кечиришганда 3750 литр спиртнинг ноқонуний олиб кетилаётганини аниқладилар. Бухоролик О.Тўхтаевга тегишли, қиймати 11 миллион сўмдан ортиқ бўлган мазкур спирт божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмагани сабабли мусодара қилинди.

Шунингдек, божхоначилар айни шу ҳудуддаги қум йўлда аввалдан тайёрланган махсус ўра борлигини пайқаб қолишди. Ўрага эса қонунбузарлар томонидан қиймати 2 миллион 250 минг сўмлик "хазина" — 750 литр спирт яширилган экан.

АЙЛАНМА ЙЎЛДА АДАШГАНЛАР



Тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйиш божхона органлари зиммасига юкланган муҳим вазифалардан биридир. Шунинг учун бу борада мунтазам равишда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўрилаётган чоралар эса ўз самарасини бермоқда.

Андижон вилояти божхона бошқармаси ходимлари хизмат чоғида "Форд" русумли микроавтобусни божхона назоратидан ўтказганларида 1500 қути "Pine" русумли фильтрли сигаретлар яширин равишда олиб кирилаётганини аниқлашди. Сифат сертификати ва божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ушбу товарлар автобуснинг юкхонасига жойлаштирилган экан. Суриштирувлар давомида фарғоналик Ф.Парпиевнинг божхона назоратини четлаб, ушбу сигареталарни маълум вақт давомида айланма йўллар орқали юртимизга олиб киргани аниқланди.

"АТТОР" МОЛИГА КУЙДИ

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, сохта атторлик моллари таркибидаги кимёвий моддалари кўпроқ канцероген ва нейротоксик хусусиятларга эга. Бу улардан фойдаланган кишиларда турли аллергик, асаб тизими касалликларини келтириб чиқариши мумкин экан. Шу сабабдан ҳам республикамиз божхоначилари косметика ва парфюмерия воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши қаратилган чора-тадбирларни мунтазам амалга оширишмоқда.

Соҳа ходимлари Қамчиқ довонида ҳаракатланаётган "Нексия" автомашинаси божхона назоратидан ўтказганларида унинг юкхонасида божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ва муқаддам айланма йўллар орқали республикамизга олиб кирилган 8 турдаги салкам 1000 дона косметика воситалари жойлаштирилган эди. Суриштирувлар жараёнида қонунбузар М.Қодиров ушбу маҳсулотларнинг барчаси контрафакт товарлар эканини тан олди.

Шунингдек, Тошкент туманининг чегара ҳудудида салкам 12,5 млн. сўмлик парфюмерия воситаларининг юртимизга яширинча олиб кирилишининг олди олинди. Юк эгаси эса 1583 дона атторлик маҳсулотлари ҳам кўзига кўринмай, қўшни давлат ҳудуди томон жуфтакни ростлаб қолди.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси
матбуот хизмати

ТАБИАТ ИНЪОМИ

Қора эмас, сара қанд

Қорақанд зиравор маҳсулот сифатида турфа таомларга қўшилади. Шифобахшлиги билан бир қатор хасталикларни даволашда фойдаланилади.

Қорақанд — арабча номи амбарибарис, русчабарбарис деб аталади. Ернинг шимолий ярим шарида унинг 160 тури учрайди. Марказий Осиёда қорақанднинг 12 тури тарқалган.

Қорақанд дарахтининг бўйи 4 метрга етиши мумкин, барглари юпқа, томчисимон кўринишга эга. Кўк рангли шода-шода меваси августнинг иккинчи ярмидан сентябрь ойининг охиригача пишади. Республикамизда қорақанд табиий ҳолда Тошкент, Самарқанд, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида сой бўйлари, тош ва шағалли тоғ ён-бағирларида учрайди.

Қорақанд мевалари қадим замонлар халқ табобатида қўлланиб келинади. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино қорақандни иситма хуружидан холос қилувчи, чанқоқ қолдирувчи, юракка далда ҳамда жигар хасталикларига шифо берувчи табиий омил сифатида тавсия этган. Қайнатмаси кучли сафро ҳайдаш хусусиятига эгалиги, ичак яраларига даволик қилишини таъкидлаб ўтган.

Ўзининг «Эҳъё-ут-тибби Субҳони» асари билан танилган табиб Сайид Субҳонқули Муҳаммад Баҳодирхон қорақанд сариқ касалига эм бўлишини кўрсатиб ўтади.

Муҳаммад Ҳусайннинг «Маҳзан-ул-адвия» асарида баён этилишига қараганда, қорақанд юқорида зикр этилган хусусиятларидан ташқари тананинг қон оқимини уйғунлаштиради, бавосил дардига эмлик қилади, жигардаги тиқинларни очади.

Халқ табобатида қорақанд кишининг асаб фаолияти сустлашганида, меъда-ичак, сариқ касалликларини даволашда, ялғиғланишга қарши, иштаҳа очувчи, ҳароратни пасайтирувчи восита сифатида ҳам фойдаланилади. Қорақанд меваларидан тайёрланган дори-дармонлар ўт пуфагининг шамоллаши билан боғлиқ касалликларда, ўтда тош пайдо бўлганида оғриқларга енгиллик берувчи омил тариқасида истеъмол қилинади.

Одамнинг оёғи чиққанида, синганида, эт узилганида, жароҳатда, куйганда қорақанднинг новдалари, илдизлари, пўстлоқлари асосида тайёрланадиган сутли қайнатмадан фойдаланилади. Баъзида қайнатма сут билан тенг баравар нисбатда аралаштириб, кунига 2-3 марта ош қошиғида ичилади. Қорақанд таркибида кальций, темир, кремний, алюминий, марганец, рух, мис, барий, никель, титан, ваннадий, цирконий, хром каби моддалар мавжуд.

Замонавий тиббиётда қорақанд препаратлари сариқ касалида сафро ҳайдовчи, ўт пуфагининг яллиғланишида, ўтдаги тош хасталигида тавсия этилади. Қорақанд тиндирмаси туғишдан сўнг бемавруд қон кетишида фойдаланилади.

Қорақанд пўстлоғи «Холелитин препарати таркибига киритилган бўлиб, жигар ва ўт пуфаги хасталикларини даволашда қўлланилади. Шунингдек, унинг пўстлоғи «Здренко йиғмаси» таркибига киритилган бўлиб, баъзи саратон касалликларини даволашда ишлатилади. Илдизларидан тайёрланган шарбатлар эса милк касалликлари ва тошма (экзема) каби касалликларни даволашда ташқи муолажа сифатида фойдаланилади.

Асрлар давомида доно халқимиз ошхонасидан қорақанд мевалари аримаган. Қорақанд солинган паловнинг ўзгача хушхўрлигини барча билади. Унинг мевалари асосида зиркоб, шарбати зирк, мурабболи зирк тайёрланади. Қорақанд барглари-дан чой дамламаси фойдали бўлиб, у хафақонлик дардига тасалли берибгина қолмай, балки хуштамлиги билан ажралиб туради.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, биз бугун қорақанд каби серхосиятли меваларни фақат бозор растасидаги баққолларданги сотиб оламиз. Ваҳоланки, бизда қорақандни етиштиришга қодир ўрмон хўжаликларимиз бор. Ундан кундалик истеъмолда кенг фойдаланишни йўлга қўйиш учун бугун барча имкониятларга эгамиз.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос

"АЛОҚАБАНК" ОАТБ
Бухоро филиали
янги омонат турларини
таклиф этади
ҳамда чекланмаган
миқдорда пул маблағларини
қабул қилади:

1. КРЕДИТ ПЛЮС –

1 йилга 30 % + 2 % бонус, 2 йилга 30 % + 3 % бонус ва 3 йилга 30 % + 4 % бонуслар тўланади.

2. БАРАКА ОМАД –

3 ойда 25 %, 6 ойда 27 %, 12 ойда 30 %.
Фоизлар ҳар ойда берилади.

3. БАРҚАРОР –

АҚШ долларида қабул қилинади,
йиллик 20 % тўланади.
Фоизлар ҳар ойда миллий валютада берилади.

Бундан ташқари бизнинг банкимизда энг қулай ва арзон халқаро пул ўтказмаларининг бир нечта турлари ҳам мавжуд:

1. LIDER — хизмат ҳаққи 1,5-2 %;
2. UNISTRIM — 1,5 %;
3. BLIZKO — 2 %;
4. ЗОЛОТАЯ КОРОНА — 1,5 %;
5. WESTERN UNION — 4 %

Маълумот учун телефонлар: 223-23-54; 223-27-44; 302-00-91.
Мурожаат учун манзил: Қ. Муртазоев кўчаси, 6ª-уй.
Мўлжал: "Баҳор" кафеси орқасида.

БИЗНИ ЎҚИЛМАГАН КИТОБЛАР КУТМОҚДА

(Бошланиши 1-бетда.)

Ҳар гал китоб ўқиш, мутолаа ҳақида гап кетганида хаёлимда шу воқеа жонланади. Ҳа, ҳар биримиз, профессор айтганидек, қай даражададир бахтлимиз: олдимизда ҳали ўқилмаган, юксак тафаккур ва қалб қўри билан ёзилган, буюк истеъдод маҳсули бўлган асарлар турибди. Ҳар гал қўлимизга бирорта яхши китобни оларканмиз, худди қайсидир сайёрага йўл олган фазогир каби янги, ғаройиб оламлар эшигини қоқамиз. Тубан, дағал дунёлардан юз буриб, сирли, мафтункор тимсоллар, воқеалар, қиёфалар, тақдирлар сир-синоатига калит излаймиз. ҳаётнинг чанг кўчаларида сочилиб ётган қалбимиз, идрокимиз, руҳимиз бир нуқтада бирлашади. Тириклик ва ўлим, севги ва нафрат, озодлик ва қуллик, саодат ва бахтсизлик ҳақида теран, холис тўхтамларга кела бошлаймиз. Бир сўз билан айтганда, мутолаа ўзлигимизни, тириклик моҳиятини англашга ёрдам беради.

Аммо... бунинг учун ўқишимиз керак!

Не ҳолки, кейинги пайтларда ёшларнинг китоб ўқимаётгани, дунё адабиёти дурдоналаридан бехабар экани, билса ҳам юзаки билиши тўғрисида кўплаб мақолалар ёзилди. Кўрсатувларда гапирилди. Давраларда баҳс қилинди: "Хўш, нима учун ёшларнинг китоб ўқишга қизиқиши суст?" Ҳолбуки, савол мазмунини умумлаштирсак, яъни мавзуга катталарни ҳам қўшсак, масалага холисроқ, ҳаққонийроқ ёндашган бўлардик: нима учун **биз** китоб ўқимаймиз? Эшитганимиз жавоблар турлича. Кимдир янги китоблар чоп этилмаётганини, дўконларда яхши асарларнинг йўқлигини сабаб қилиб кўрсатади. Тўғри, маълум муддат давомида китоб расталарида бу ҳолат кузатилди, аммо бугун китоб дўконларимиз ранг-баранг адабиётлар билан тўла-ку! Нафақат ўзимизда, балки хорижда чоп этилган турли тиллардаги китоблар ҳам бугун китоб расталаримизни безаб турибди. Қолаверса, мамлакатимиз нашриётларида тайёрланаётган кўркам китобларимиз нуфузли матбаа кўргазмаларида эътироф этилмоқда, юксак мукофотларга лойиқ кўрилмоқда.

Бошқа биров китоблар нархининг қимматлигидан сўз очади. Бор гап: бугун китоблар нафақат маънавий бойлик, балки моддий бойлик — маҳсулотга айланди. Нашриёт китоб чоп этаркан, табиийки, моддий манфаатни, яъни фойда олишни кўзда тутади. Бутун дунёда шундай: китобнинг ўзига яраша баҳоси бор. Ва, шубҳасиз, яхши китоб ўз қийматига арзийди. Шу боис бу баҳона бўлолмайди. Ахир, кайф-сафо учун, қорнимизни ўйлаб, ўн минглаб пулни аямаймизу, бироқ уч минг сўмга китоб сотиб оларканмиз, оғринамиз — бу бизга малол келади. Китобни томоша қилиб, айлантириб кўриб, яна ўз жойига қўйиб қўямиз. "Яхши-ю, сал қиммат экан-да..." — деймиз ўзимизча. Гўё уни кимдир бизга бепул совға қилиши лозимдай...

"Китобхонликнинг сусайишига сабаб — уяли телефон, интернет каби замонавий технологияларнинг оммалашувидир" — буям бир фикр. Аммо бизнингча, замонавий технологиялар китоб ўқишга тўсиқ эмас, восита, кўмакчи бўлиши ҳам мумкин. Ахир, интернетда дунё адабиёти дурдонлари жойлаштирилган, энг янги китоблар тарғибот қилинаётган, адабий баҳслар, танловлар уюштирилаётган қанчадан-қанча сайтлар бор! Уларни ўқишимиз учун пул тўлашимиз ҳам, рухсат сўрашимиз ҳам шарт эмас. Бор-йўғи, ҳафсала қилиб ўша сайтларга кирсак, керакли адабиётлар билан танишсак, лозим топганларимизни қоғозга чиқариб олсак — бас! Уяли телефон ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин: у — қулайлик, восита. Қўлингиздаги митти мослама орқали интернетга киришингиз ёки кўчада кетаётиб маълумот бюроси орқали бирор кутубхонанинг, китоб дўконининг манзилини, телефон рақамини сўраб олишингиз ва йўлни шартта маърифатхона томон буришингиз мумкин. Ҳамма гап бу мослама-воситалардан қай тарзда, қандай мақсадларда фойдаланаётганимизда. Тўғри, замонавий электрон китоблар биз ўрганган муқовали, қоғозга чоп этилган китобларнинг ўрнини ҳеч қачон босолмайди, чунки китобни қўлимизга оларканмиз, бевосита унинг тафтини, ҳидини туямиз; шакли, бичимини ҳис қиламиз; бирин-кетин варақларканмиз, янги-янги дунёларнинг эшигини очгандай бўламиз; ҳатто варақлаганимизда чиқадиган шитирлаш овози ҳам бизга завқ беради; бир сўз билан айтганда, қўлимиздаги китобни бешала сезгимиз билан ҳис қилишимиз мумкин. Электрон китобларда бунинг иложи йўқ, аммо унинг ҳам ўзига хос устунлиги бор. Буям бўлса, ҳали бизнинг ноширларимиз қўлига, эътиборига тушмаган асарлар билан эртароқ танишиш, керак бўлса, компьютерингизга юклаб олиш имкониятидир. Демак, ҳақиқий китобсевар учун замонавий технологиялар чалғитувчи тўсиқ эмас, аксинча, ёрдам берувчи мослама вазифасини ҳам ўташи мумкин экан.

"Тирикчилик ташвишлари туфайли китоб ўқишга вақт йўқ, ошна, ўзингиз тушунасиз, ахир, бола-чақа дегандай..." — елка қисамиз ўзимизга яхши қалқон топиб олгандай. Ҳолбуки, ўша "тирикчилик ташвишлари" деганимизнинг аксар қисми беҳуда орзу-ҳаваслардан иборат эмасми? Кунлаб, ҳафталаб тўй қилсак, ҳатто азани ҳам дабдабали қилиб ўтказишга уринсак, чойхона-ю тонготар базмлардан бўшамасак, кераксиз матоҳлар билан уйимизни тўлдириб, қимматбаҳо лаш-лушларимиз билан мақтаниб-чирансак — китоб сотиб олишга ва ўқишга вақт, имконият, ҳафсала қоладими!? Энг ёмони, бизнинг турли бемаъни кўнгилхушликларимизга қўшилмасдан, уйида тинчгина китоб ўқиб ўтирган ёки бирор фойдали кашфиёт, ихтиро билан шуғулланаётган киши ҳақида элга қўшилмайди, одам эмас, деб ҳукм чиқарамиз. Энди, ҳақиқатни тан олайлик: мана шундай жоҳилона ўй-қарашларга асир бўлишимизнинг ҳам бош сабаби шу — китоб ўқимаслигимиз ёки ўқисак ҳам, уқмаслигимиз эмасми!?

Хўш, китоб ўқишимизга, уқишимизга нима халақит бермоқда? Асосий гап, муаммо нимада?

Муаммо, бизнингча, ўзимизда. Азал-азалдан халқимиз китобни мўътабар, муқаддас билган. Махсус сандиқчаларга солиб, баланд токчаларда, жавонларда сақлаган. Уйларнинг тўрида турган. Ювиқсиз уларга қўл урилмаган. Бундай ҳурмат фақат диний китобларга эмас, барча китобларга, жумладан, Навоий, Бобур, Машраб, Фузулий, Огаҳий асарларига, турли илмий рисолаларга ҳам кўрсатилган. Файзли оқшомларда бу китоблар оилавий давраларда ўқилган. Болаларга уларнинг мағзи чақиб берилган.

Нима учун биз китоб ўқимайдиган бўлиб қолганмиз деган саволга жавоб бериш учун ҳар хил важ-карсонларни пеш қилишимиз мумкин, аммо гапнинг пўсткалласи шу: кўпчилигимиз фикрий ялқовликка, эринчоқликка мубтало бўлганмиз. Олам ва Одам, Ҳаёт ва Мамот ҳақидаги чигал саволларга жавоб ахтаришга, бу йўлда китоб титкилаб, игна билан қудуқ қазишга ҳушимиз йўқ. Ундан кўра енгилроқ эрмакларга, кўнгилочар машғулотларга мойилроқмиз. Уч-тўрт соатлаб худди китобдай очилиб-ёпиладиган нард тахтасига термилиб ўтирамиз, аммо уч-тўрт дақиқа китоб ўқисак, юрагимиз сиқилади. Ҳатто газета-журналларни ҳам энг енгил руҳдаги мақолалар, ҳажвиялар босиладиган саҳифаларидан бошлаб ўқимоқчи бўламиз. Бизни фикрлашга, ўйлашга мажбур қиладиган мақолаларни эса сал кейинроқ — вақтим бемалол пайтида ўқийман, деб пайсалга соламиз ва кўп ҳолларда улар ўқилмасдан қолиб кетади.

Ўйлаб қарасак, китоб ўқиш ҳам ўзига яраша жиддий иш. Ҳар қандай жиддий ишга муайян тайёргарлик билан киришилгани каби ҳар бир китоб мутолаасига ҳам масъулият билан ёндашмоқ зарур. Шунчаки вақтим бўлганида ўқийман, мутолаадан мақсад — бўш вақтимни мазмунли ўтказиш, деб ўйласак хато қиламиз. Нафақат қўлга олган пайтимизда, балки ундан вақтинчалик узилган, ҳатто бутунлай ўқиб бўлган пайтимизда ҳам китобдаги мушоҳадалар таъсирида юрсак, мулоҳазалар занжирини давом эттирсак, хаёлимиздаги саволларга баҳолиқудрат жавоб ахтарсак, демак, чинакамига китоб ўқиган бўламиз. "Фалон китоб ҳақида ҳамма гапираяпти, мен ҳам ўқиб қўяй, тағин бирор даврада шу ҳақда гап кетса, мум тишлаб ўтирмайин", деган муддао билан китоб ўқисак, шубҳасиз, мутолаа жараёни ўта зерикарли, завқсиз ва табиийки, бефойда кечади.

Китобхонлик маданияти ҳақида гап кетганда, ўз-ўзидан китобга бўлган муносабатимизни ҳам ўйлаб кўрмоғимиз лозим, албатта. Хўш, бугун китоб биз учун нима? Муқовага солинган қоғоз тахламими? Китоб жавонида турадиган оддий буюммми? Уй безагими? Ёки бизга кўп бор уқтирилгани каби, энг яқин дўстимизми?! Яхши эслайман: худо раҳматли бобом китобларимизнинг ҳар жойда сочилиб ётганини кўрса қаттиқ танбеҳ берарди.

Бир пайтлар бошимизда турган китоб бугун оёғимиз остида ўз қадрига йиғлаб ётса, бунинг учун кимни айблашимиз керак? Китобними, ўзимизни ёки дарслигидан бир саҳифани шарилладитиб йиртиб олганча "самолёт" ясашга киришган ўғлимизними?

Ўтган йили бир дўстим менга ўзим суйган шоирнинг китобини совға қилди. Янги китоб деб ўйласангиз, адашасиз. Эски, муқовасига доғ-дуғ теккан ва, энг ёмони, бошидаги кўплаб варақлари йиртиб олинган китоб! Дўстим шўрлик китобни писта сотадиган холанинг чангалидан зўрға қутқариб олибди. "Уст-бошини қоқиб", чанг-чунгини артиб менга олиб келибди. Бошим осмонга етди. Аммо ҳар гал уни қўлимга олган пайтимда боёқиш китоб ҳасрат қилаётгандай, писта пўчоқларига қўшилиб бир четга отилган саҳифаларини соғиниб нола чекаётгандай бўлади. Қани энди, уни юпата олсам...

"Бугун нега китоб ўқимаяпмиз?" деган саволга "Йўқ, саволнинг ўзи ўринсиз, одамлар китоб ўқияпти, лекин ким нимани ўқияпти — бу бошқа масала!" деб жавоб қилиш ҳам мумкин. Чиндан ҳам, агар ўйлаб қарасак, бугун китобхонлар қайсидир маънода табақалашгандай. Бир тоифа борки, фақат энг юксак санъат асарларини, теран тафаккур ёлқинлари акс этган китобларни ўқийди. Бундай хос китобхонлар учун онгу шуурда инқилоб ясамайдиган, фикрлашга туртки бермайдиган асарлар қадрсиздир. Ҳар бир асар ўзига хос кашфиёт бўлсин, ўқиганингда қалб, тафаккур, руҳият пучмоқларидаги энг яширин ҳолатларни ҳам юзага олиб чиқсин, мутолаадан сўнг бир қадар юксалганингни сезишинг лозим, дейишади улар. Бундай китобхонлар сони ҳамма замонларда ҳам унчалик кўп бўлмаган. Шу боис улар ўқийдиган асарлар қўлма-қўл бўлмаслиги мумкин. Иккинчи тоифа вакиллари китоб танлашда унчалик инжиқ эмас. Улар адабиётнинг мураккаб тимсолу мажозларига кўпам эътибор бераверишмайди. Муҳими, китоб маҳорат билан ва айни пайтда қизиқарли қилиб ёзилган бўлса — бўлди. Улар учун китоб биринчи галда яхши сирдош, ҳамроҳдир. Ҳаёт манзаралари ҳаққоний, ёрқин бўёқларда тасвирланган асарлар уларнинг жону дили. Бундай китобхонлар сони нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Энди, учинчи тоифа ҳам борким, улар китоб ўқиш орқали тийнатидаги қора майларни кондириб, шундан ҳузур қилгиси келади. Турли зўровонлик, фаҳш ва бошқа иллатларнинг уруғи "қадалган" саҳифаларни ютоқиб ўқиркан — агар фильтрлаш қобилиятидан маҳрум бўлсалар — тобора тубанлашиб бораверадилар. Бундай тоифадаги кимсаларнинг ожизлигини билган устамон қаламкашлар эса атайлаб сунъий, аммо эътиборни тортувчи, одамдаги салбий майлларни қитиқловчи сюжетларни ўйлаб топаверишади. Бундай асарларнинг бадиий қиммати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ёзувчи этикаси, образли фикрлаш, юксак санъат тамойиллари, ўқувчи олдидаги масъулият каби тушунчалар бундай "асарлар"га етти ётдир. Ҳатто энг бирламчи талаб — асар тилининг ўзиёқ асабингизни буза бошлайди: саводсиз, пала-партиш ва энг ёмони атайлаб бузиб ёзилган гап-сўзлар йиғиндисини кўриб, кўнглингиз оғрийди. Номини, сарлавҳасини ўқибоқ, уларни дарров танишингиз мумкин. Қарангки, бундай қора битикларни битта нарса — пул, манфаат бирлаштиради, улар бозор талабларига осонликча мослашган бўлиб, ўзларининг ҳеч қачон адабиёт қасрига кира олмасликларини билганлари ҳолда фақат фойда кетидан қувадилар, онгли равишда соф, мурғак кўнгилларни заҳарлайдилар.

Одам ўзига мос, ўз характерига яқин одамлар тоифасидан дўст ахтарганидай, ўз руҳий дунёсига уйғун китобларни ўқиғиси келади. Шу маънода, эски мақолни бироз таҳрир қилсак, моҳиятан ҳеч нарса ўзгармайди, яъни: "Сен қандай китоб ўқиётганингни айт — мен сенинг кимлигингни айтаман!" Чиндан ҳам саноқсиз китоблар орасидан танлаб олганимиз, қўлдан қўймай ўқиётган китобимиз бизнинг дунёқарашимиз, қизиқишимиз, характеримиз, дидимиз ҳақида бир қадар тасаввур беради. Баъзан "фалон китобни ўқиб чиқдим, жуда зўр асар экан!" деган таърифларни эшитиб, мийиғимизда кулиб қўямиз. Ҳатто гоҳо таниқли адабиётшунослар мақтаб, тавсифлаб ёзган асарлар ҳам бизни ўзига жалб қилолмайди. Чунки бошқа биров учун мумтоз саналган асар биз учун қадрсиз, аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Бунда ҳеч кимни айблаб бўлмайди. Ахир, сен нега фалончи билан дўстлашдинг ёки нега у билан дўст эмассан, деб бировнинг ёқасидан олмаймизку. Аммо жамиятда шундай тубан кимсалар борки, яқинларимизни улардан асрагимиз, огоҳлантиргимиз келади. Улар билан дўстлашиш у ёқда турсин, яқинига ҳам йўлама, деймиз. Китоблар ҳам шундай: яхши дўстлари ҳам, бемаъни, ҳатто ярамаслари ҳам бор.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бугунги кунда китобнинг қадрсизланишига мана шундай бетайин китоблару виждонсиз қаламкашлар ҳам сабаб бўлмаяптимикан? Ахир, бундай китобларни қандай қилиб бошга кўтариш, эъзозлаш мумкин?! Миллий қадриятларимизга, маънавиятимизга хуруж қилаётган бундай китоблардан аксинча холос бўлишимиз керак эмасми?! Ҳеч бўлмаганда, уларга қарши ўзимизда маърифий иммунитет ҳосил қилишимиз лозимку. Бу эса яна қайтариб айтамиз, чинакам бадиий асарларни, фавқулодда талант эгалари ёзган китобларни ўқиш орқали амалга ошади. Жамиятимизда ана шундай юксак дидли китобхонларнинг сони қанчалик кўп бўлса, бизни ўйлантирадиган маънавий муаммоларнинг ечими ҳам шунча осонлашади.

Демак, аён бўляптики, биз нега китоб ўқимаяпмиз, деб бир-биримизни тергар эканмиз, энг аввало, ҳақиқий китобларни, инсоният маънавий мулкининг нодир жавоҳирларини назарда тутамиз. Илҳомсиз, руҳий тўлғоқсиз ёзилган, тор ва тубан тамойиллар асосида битилган китоблар эса бизнинг хайрихоҳлигимизга муҳтож эмас. Чинакам асарларни ўқишимиз, тарғиб қилишимиз учун, шубҳасиз, юқорида таъкидлаганимиз иллат — фикрий дангасаликдан қутилишимиз, ўзимизни улкан мақсадлар сари чоғлашимиз зарур.

Яқинда бир шоир укамизнинг "Китобхон кимса" ҳақидаги шеърини ўқиб қолдим. Шеър хулосасида "у ухламоқчи бўлса, қўлига китоб олади" деган фикр айтилган. Қаранг-а, турли ихтироларга бой XXI асрда китобдан "ухлатадиган дори" сифатида фойдаланувчи кишилар ҳам бор экан. Ҳолбуки, китоб мудроқ дилларни уйғотувчи, бедорликка чорловчи қўнғироқ, ғафлат кўрпасини йиғувчи, одамни фикрлашга, ҳаракат қилишга ундовчи куч манбаидир. Токи ундан қувват оларканмиз, руҳимиз тетик, қалбимиз тиниқ туйғуларга бой, тафаккуримиз ўткирлашиб бораверади. Зеро, мақоламиз бошида айтилганидай, олдимизда бизни ҳали ўқилмаган китоблар кутаётгани — улкан бахтимиз, бироқ уларни бир умр ўқимасдан ўтиб кетишимиз эса чексиз бахтсизлигимиздир. Сизу бизни ана шу кўргиликдан асрасин...

Нодир ЖОНУЗОҚ



БАРКАМОЛ АВЛОД

Халқимиз дунё тамаддунига не-не улуғ зотларни етказиб берган миллатлардан ҳисобланади. Бу эса аждодларимиз азал-азалдан фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратганидан далолат беради. Бу анъана бугун ҳам давом этмоқда. Ҳозир юртимизда ҳар бир ота-она фарзанди туғилиши билан унинг соғ-саломат вояга етиши, комил инсон бўлиши учун елиб-югуради. Аввало, болани яхши устозлар қўлига бериб, билимли, ҳунарли этиб тарбиялайди. Олий ўқув юртларида ўқитишни орзу қилади.

ЭРТАНГИ КУН ОРЗУСИ

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Яқинда Президент Ислом Каримов БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида алоҳида тўхталиб, Ўзбекистонда ҳар йили соҳа учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани, ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмаслигини, мамлакатимизда ноёб кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилганини ва 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз доимо баркамол авлодни тарбиялашга устувор вазифа сифатида қараган. Биргина 2009 йилнинг ўзида мамлакатимизда 1957 та мактаб қурилди ва реконструкция қилинди. 214 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи барпо этилди. 2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоизидан кўпроғи фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Бундан қарийб 14 йил муқаддам қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «... биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бораётган таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда».

Шу ўринда яна бир гап. Юртбошимизнинг ташаббуси билан иқтидорли ёшларимизни рағбатлантириш, болалар спортини ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тортмоқда. Республикамизда ўтказилаётган уч босқичли спорт мусобақалари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» тизими бошқа давлатларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Ёш, иқтидорли қизларимизни кашф қилиш, рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти ёки санъат соҳасида изланаётган ёшлар учун «Ниҳол» мукофоти кўплаб ёш талантларни халқимизга таништирмоқда.

Бундан ташқари, айни пайтда республикамизда фаолият кўрсатаётган «Маҳалла» хайрия жамғармаси, қишлоқ, шаҳарча, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ёшларнинг жисмоний соғлом, маънавий баркамол бўлиб улғайишлари учун жуда кенг миқёсда оммавий-маданий тадбирларни ташкил қилаяпти. Биргина «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Футболимиз келажаги» каби спорт мусобақаларининг қандай ижобий натижалар бераётганини кўриб турибмиз.

Шу ўринда «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз деб ўйлайман. Бола тарбиясида, ёшлар камолотида шу уч бўғиннинг ҳамкорлиги жуда зарур деб ҳисоблайман. «Қуш уясида кўрганини қилади» деган ибора бор. Дарвоқе, фарзанд асосий тарбияни оила муҳитида олади. Маҳалла эса оилага, мактабга ҳар жиҳатдан кўмаклашади. Мана шу уч бўғиннинг ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилган жойларда яхши натижалар қўлга киритиляпти.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср... Буни чуқур англаб олган давлат, бундай хулосани чиқарган халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун унибўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади».

Абдужалол ТАЙПАТОВ

МУЛОҚОТ

ҲАЯЖОН ВА ҲАЙРАТ ОЛАМИ

Истиқлол йилларида ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори кино санъатимиз ҳам том маънода янгиланиш ва юксалиш жараёнини бошдан кечирмоқда.

Мамлакатимизда бадиий фильмлар қаторида бугунги бахтиёр болажонларнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган болаларбоп фильмлар яратиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Қуйидаги суҳбатда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли режиссёр Мавзур Маҳмудов бу борада кечаётган ўзгаришлар билан бир қаторда келажакда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар, ижод эркинлиги ва масъулияти ҳақида фикр юритади.

— Мавзур ака, болаликда ёд олинган шеърлар, ўқилган асарлар ва кўрилган фильмлар бир умрга инсон хотирасида муҳрланиб қолади. Шундай экан, бугунги кунда яратилаётган мультфильмларнинг таъсир кучи мурғак тасаввурларни жонлантиришда қандай тарбиявий аҳамиятга эга?

— Доноларимиздан бири "Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир", — деганди. Дарҳақиқат, болалик хотираларини безовчи жозибадор эртаклар, мультфильмлар ҳеч қачон ёддан чиқмайди. Келинг, барчамиз ўз болалигимизни эсга олайлик: йиллар синовида тобланган "Зумрад ва Қиммат", "Насриддин Афанди", "Сеҳрли сандиқ" сингари қатор мультфильмларни эндиликда фарзандларимиз ҳам кўриб, камол топаётгани кўзимизни қувонтиради, албатта.

Бу йил ҳам болажонларни бой тарихимиз ва мумтоз адабий меросимиз намуналари билан таништириш мақсадида "Спитамен", "Фарҳод ва Ширин", "Шер билан Дуррож", ўзбек халқ эртаклари асосидаги "Семурғ — бахт қуши", "Эгривой ва Тўғривой" сингари қатор мультфильмлар ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари "Уч дўст", "Чарҳпалак" каби болаларбоп асарлар экран юзини кўриш арафасида. Кичкинтойлар учун уларнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта. Қолаверса, кўплаб мультфильмларимиз халқаро фестивалларда соҳа мутахассисларининг эътиборини қозонмоқда. Бунинг ёрқин далили сифатида яқинда Қозоғистонда бўлиб ўтган кинофестивалда ёш режиссёр Азиз Муҳаммедовнинг "Икки қўшни" мультфильми юқори баҳоланди.

Мен хорижда муносиб тақдирланган мультфильмларимизни аввало, ўзимизнинг кичкинтойлар кўриб завқ олишини, олим ва мунақидларимиз бадиий, эстетик жиҳатларини таҳлил этиб, жамоатчиликка кўрсатиб беришларини хоҳлардим.

— Аммо... болалар бир-бирига мақтаб гапирадиган техника ва табиат мавзусидаги мультфильмлар бугун негадир кам яратиляпти. Ёки ҳали кичкинтойлар эътиборига ҳавола этилмаган болаларбоп экран асарлари ҳам борми?

— Мен салкам 34 йилдан буён "Ўзбекфильм" қошидаги мультбирлашмада хизмат қилиб келаяпман. Ҳозир ижодий жамоамизда таниқли мультипликатор Дмитрий Власов сингари тажрибали мутахассислар, «Беҳзод» номидаги мусаввирлик санъати институти битирувчилари бўлган Гаянэ Матевосян, Сергей Чуфарнов, Азиз Муҳаммедов каби ёш режиссёр-рассомлар ижод қилишмоқда. Булар билан ҳамжиҳатликда миллий мультфильмларни яратиш борасида озми-кўпми меҳнат қилиб келаяпмиз. Аммо шу кунларда яхши сценарийларга жуда катта эҳтиёж катта. Болалар эътиборини тортадиган экран асарлари кам ёзилаяпти. Шунинг учун ўзбек халқ эртаклари, достонлари ва классик асарларига такрор бўлса-да, мурожаат қилишга мажбур бўлаяпмиз. Масалан, ҳазрат Алишер Навоий асарлари асосида яна болаларбоп экран асарларини тайёрлаяпмиз. Юртимизда бу соҳада қалам тебратиб келаётган ижодкорлар болаларга атаб янгидан-янги асарларни тақдим этиб келмоқдалар. Аммо сценарийларнинг аксарияти фақат насиҳатгўйликдан иборат. Бу фалсафий гаплар болаларни қизиқтирмайди. Чунки уларга тарбияни уйда ота-онаси, мактабда ўқитувчилари, маҳаллада қўни-қўшнилар беради. Шунинг учун болалар ёзувчиси бола кўзи билан дунёга боқиб, унинг тили ва руҳий кечинмаларини ўз асарларида соддагина акс эттирса, мақсадга мувофиқ бўларди. Кичкинтойлар мультфильмда ўз қувончу ташвишлари, ютуқ ва камчиликларини кўриб, ўзи учун керакли хулосани мустақил чиқарсин.

Бугун биз техника ривожланган даврда яшаяпмиз. Ҳаётимизнинг ҳеч бир соҳасини компьютерсиз тасаввур қила олмаймиз. Шу боис, мультбирлашма бугун драматурглардан нафақат техникага, балки ўсимликлар, ҳайвонот оламига оид бадиий асарларни интизорлик билан кутаяпти. Бу борада доимий муаллифларимиз билан бирга ёш ижодкорлар ҳам биз билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйсалар, фарзандларимизнинг эстетик тарбиясига ижобий таъсир кўрсатадиган янгидан-янги экран асарлари дунёга келади.

— Шубҳасиз, катта экранга чиқарилаётган ҳар бир мультфильм экспертлар кенгашига айнан сиз ишлаётган ижодий жамоа томонидан тақдим этилади. Шундай экан, телеэкранларимиздa ўзбек мультфильмларидан кўра чет-элда ишланган аннимацион фильмларнинг кўпроқ намойиш этилишига қандай қарайсиз?

— Бугунги кунда телевидение ва кино санъатининг таъсир кучи юксалиб бораётган бир пайтда ижодни болажонлар учун миллий руҳдаги кўплаб мультфильмлар, бадиий ва видеофильмлар яратишдан бошлашимиз зарур, деб ўйлайман. Токи фарзандларимиз фақат Уолт Дисней қаҳрамонларинигина билиб-таниб қолмасдан, ўзбек халқ эртакларини, миллий қаҳрамонларимизни ҳам танисин-билсин, улар билан фахр-ифтихор қилишга одатлансин. Қолаверса, ҳар йили давлатимиз томонидан миллий мультфильмлар яратиш учун катта маблағ ажратилади. Бундан оқилона фойдаланиш учун жонкуяр режиссёрлар, мультипликаторлар ва рассомлар ўзаро ҳамжиҳатликда ижод қилишлари керак. Бу борада, шубҳасиз, таянч марказ сифатида "Ўзбекфильм" киностудияси зиммасида ҳам салмоқли масъулият бор.

Яқин йилларда мультбирлашмада машҳур тарихий асарлар асосида "Жалолиддин Мангуберди", 6 қисмли "Алпомиш", "Тўмарис" мультфильмлари суратга олинди. Бу фильмлар ёш томошабинлар қалбида ватанпарварлик ва умуминсоний туйғуларни шакллантиришда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Ҳали кино тилига ўтказилмаган қанча тарихий асарларимиз, достонларимиз бор. Буларни болажонларга етказиш учун пухта тайёргарлик кўриш керак. Ўзим жаҳон адабиёти ва болаларбоп фильмларни мунтазам кузатиб бораман. Уларда кўпроқ умуминсоний туйғулар, катта мақсадлар кўтарилади. Бу асарларни ўқиган ёки мультфильмларни кўрган болажонлар тезроқ улғайиб катталар қаторига қўшилишни орзу қилади. Мен ҳар бир болалар ижодкорининг жаҳон адабиётини чуқур билишини, халқаро кинофестивалларда иштирок этиб, кино санъатида юз бераётган янгиликлардан хабардор бўлишини истайман. Шундагина сиз юқорида назарда тутган чет-эл аннимацион фильмларига эҳтиёж қолмайди.

— Бир пайтлар "Ўзбекфильм" қошидаги мультипликация устахонаси ўзининг дастлабки қўғирчоқ фильмлари билан машҳур бўлган. Бугун замонавий техникалар ёрдамида яратилаётган қўғирчоқ мультфильмларга муносабатингиз қандай?

— Аввало, кичкинтойлар кўрган мультфильмлари орқали қўғирчоқларга меҳр қўяди. Яхши кўрган ўйинчоғини доимо ўзи билан бирга олиб юради. Шунинг учун компьютерда ишланган расмлардан кўра жонли ўйинчоқлар болалар тасаввурини бойитишга катта хизмат қилади. Лекин бугунги кунда яратилаётган миллий қўғирчоқларимизнинг ташқи қиёфаси бир томчи сувдек бир-бирига ўхшашлиги киши эътиборини унчалик тортмайди. Ахборот асри, дея таърифланаётган бир даврда болажонларни ҳам бундай оддий ўйинчоқлар билан ҳайратга солиб бўлмайди. Шунинг учун улар миллий либосдаги қўғирчоқларимиздан кўра барбиларни ўйнашади. Чунки улар чиройли гапиради, сакрайди ҳатто учади. Бу болалар учун ҳар қандай ўйиндан кўра қизиқарли кўринади. Дунёда бундай кашфиётларни биз каби инсонлар оддий қўллари билан яратаяпти. Юртимизда болалар учун ўйинчоқлар ишлаб-чиқарадиган ижодкорларимиз ҳам замонавий технологик янгиликлардан хабардор бўлишлари, болалар психологиясини яхши билишлари, мунтазам халқаро қўғирчоқ фестивалларида иштирок этиб боришлари керак. Бу изланишлар келгусида, албатта, ўз самарасини беради.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди

СПОРТ

ҲАМЮРТИМИЗ БРОНЗА МЕДАЛИ СОҲИБИ

Чехиянинг Брно шаҳрида бадиий гимнастика бўйича Гран-при мусобақасининг навбатдаги босқич беллашувлари ўтказилди. Мазкур нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган моҳир спортчимиз Уляна Трофимова тўп билан бажарилган машқлар бўйича 27,95 балл жамғариб, бронза медаль билан тақдирланди.

ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган кучли ракетка усталари иштирок этган "Тошкент Челленжер — 2010" анъанавий халқаро теннис турнири якунланди.

Мусобақанинг финал баҳсида словакиялик Карл Бек ва люксембурглик Жилл Мюллер ғолиблик учун куч синашдилар. Ҳал қилувчи беллашувда рақибидан 6:7, 6:3, 7:5 ҳисобида устун келган словакиялик теннисчи турнирнинг бош совринини қўлга киритди.

Турнирнинг жуфтлик баҳсларида Буюк Британия вакиллари — Росс Хатчинс ва Жеми Мюррей, словакиялик Филипп Поласек ва Карл Бек жуфтлигини мағлубиятга учратди.

ОҚГУЛНИНГ ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТИ

Теннис бўйича Россияда ўтказилаётган "Кремль кубоги" халқаро турнирининг хотин-қизлар ўртасидаги саралаш мусобақаларида қатнашаётган Оқгул Омонмуродова дастлабки икки учрашувда зафар қўлди. Асосий тур йўлланмаси учун курашаётган ҳамюртимиз мезбон теннисчилар – Яна Бучинани 6:1, 6:2, Надежда Гусковани 6:0, 4:6, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.

ҚИРҚ БИРИНЧИ ҒАЛАБА

Украиналик машҳур боксчи Виталий Кличко ўта оғир вазнда WBC йўналишидаги чемпионлик камари учун кечган беллашувда америкалик Шеннон Бриггсни мағлуб этди. Учрашув Германиядаги ўн олти минг мухлис билан тўлган Oг World Hamburg аренасида ўтказилди.

Мазкур муваффақият ўттиз тўққиз ёшли украиналик спортчининг фаолияти давомидаги қирқ биринчи ғалабасидир. Шу кунгача Виталий Кличко профессионал рингда қирқ учта жанг ўтказишга эришган.

Шеннон Бриггс учун бу олтинчи мағлубият ҳисобланади. У жами 58 та учрашувда рингга чиқиб, улардан 51 тасида зафар қозонган. Фақат битта беллашувда дуранг натижага имзо чеккан.

ТЕВЕС ПОЙЕТДАН ЎЗИБ КЕТДИ



«Манчестер Сити» клубининг аргентиналик ҳужумчиси Карлос Тевес Англия премьер-лигасидаги жанубий америкалик энг сермаҳсул футболчи бўлди. Бу ҳақда www.sport.ru хабар тарқатди.

Англия чемпионатининг саккизинчи тур доирасидан ўрин олган «Блэкпул» ва «Манчестер Сити» жамоалари учрашувида Карлос Тевес рақиб дарвозасига икки марта тўп киритишга эришди. Шу тариқа унинг премьер-лига ўйинларида рақиблар дарвозасига киритган голлари сони 56 тага етди.

Бу 1997-2004 йилларда туманли альбионда «Челси» ва "Тоттенхэм" жамоалари сафида тўп сурган таниқли уругвайлик футболчи Густаво Пойетнинг кўрсаткичларидан юқоридир. У саккиз йил давомида Англияда 54 та голга муаллифлик қилишга эришган эди.

МУЛОҲАЗА

ХАТ ҚАНОТ БАҒИШЛАЙДИ

Ўқулим эндигина ишдан бўшаб, оромкурсига чўкдим. Дўстимга қўнғироқ қилишим керак. Аллақачон ёд бўлиб кетган рақамларни тераман. Бироз сукунатдан кейин олисларда мудраб ётган телефон ларзага келади. Ундан кейин ҳар доимгидай умумий гаплар: аҳволларингиз яхшими, чарчамаяпсизми, менинг ишларим яхши...

XXI асрда яшаётган бўлсакда, бу зерикарли ҳолатдан чиқиш учун дўстимга хат ёзишга тутиндим. Бир ўйлаб кўрайлик: телефон орқали дилимиздаги гапларнинг ҳаммасини айта оламизми? Кўнглингда шундай сўзлар бўладики, уларни айтишдан кўра ёзиш осонроқ туюлади менга. Лекин бир одамга хос ҳис-туйғуларни иккинчи бир кишига етказишга менимча совуқ симлар ожизлик қилади. Худди шу мавзуни таниқли адибларимиздан бири ўзига хос услубда қаламга олади.

«Телефоннинг совуқ симлари фарзанднинг ота-онага меҳрини етказиб бера олмайди. Ошиқнинг маъшуқасига бўлган севги оташини ҳам етказишга ожиз. Бу вазифани оқ қоғоз ва қалам уддалайди. Гарчи қоғозга тушадиган ҳарфлар ҳам совуқдай туюлса-да, бу ҳарфларда меҳр олови мавжуд. Бу олов тафтини мактуб ўқиётган одам ҳис қилиб туради. Аммо... афсус шуки, шу бир неча сатрни ёзишга қунт қилмаймиз. Байрамлар ўтади, мактуб йўлламаймиз. Туғилган кунлар ўтади, мактуб ёзишга тоқатимиз йўқ... Нима бу? Қалбимиздаги меҳр булоғи қуриб бораяптими?!.»

Мазкур сатрларни ўзимга аталган очиқ хат, деб қабул қилдим. Кимга охирги марта қачон хат ёзганимни эсладим. Лекин орамизда ҳаёти давомида бирор марта мактуб ёзмаганлар ёки бошқалардан хат олса-да, жавоб қайтармаганлар бор.

Назаримда хат ёзиш ҳам бир санъат. Адабиёт тарихида ёзилган айрим мактубларга ҳозиргача юксак асар даражасида қаралади. Масалан, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий 88 мактубни ўз ичига олган «Муншоат»ни дунёга келтириб, бағоят гўзал юмуш қилганларини энди тушунгандекман. Мени хавотирга солаётган ҳолат бир-биримизга хат ёзмаётганимиздир. Баъзида кимдир менга ҳам хат юборишини, номани хаёлдан ўқигим келади.

«Ўткан кунлар»да Отабек ва Кумуш бир неча бор мактуб орқали сўзлашадилар. Балки Қутидор замонида уяли алоқа воситалари бўлганида, эҳтимол Отабекнинг номидан сохта хат ёзолмаган бўлишармиди?..

Мактубнинг қандай кучга эга эканига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо мактуб тезкорлиги жиҳатидан замонавий техникаларни ортда қолдира олмаса-да, маъно кўламдорлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мумтоз адабиётимизда ҳам нома ёзишнинг ўзига хос сир-асрорлари мавжуд бўлиб, у шахснинг маънавий дунёсини белгилаб беради. Узундан-узоқ жумлаларни ҳамма ҳам ёза олиши мумкин. Аммо масаланинг туб моҳияти қанча ёзишда эмас, қандай ёзишда аён бўлади. Ахир айтишадику, юрак қони билан ёзган одам узоқ ёзолмайди. Нома буюк кишиларнинг ҳам ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлгани бизга янгилик эмас. Рассомнинг ўз ҳамкасбига ёзган мактуби билан ёзувчининг шоирга ёзган ёзишмалари орасида каттагина фарқ бор. Чунки улар ўзларигагина тушунарли бўлган оҳангда сўзлашадилар. Файласуф ўз дўстига хат юборар экан, унда шундай сўзлар ёзилганди: «Дўстим, мени маъзур тут. Вақтим кам бўлгани учун узоқ ёзиб юбордим...». Оддий ўқувчи бу сўзларнинг маъносига етмаслиги мумкин. Аммо тарихда шундай номалар борки, унинг ичида соддаликка аралашган мулоҳазалар ётади.

Нақл қилишларича, Амир Темурнинг юришларидан бирида Исфаҳоннинг қамали кўпга чўзилиб, қўшинни озуқа билан таъминлашга маблағ етишмай қолади. Ниҳоят, Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сароймулкхонимга мактуб жўнатади. Сароймулкхоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мактубнинг орқа томонида «Улуғ Амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадими?» деб ёзиб, чопар орқали жўнатади.

Темур мактубни олгач, Сароймулкхонимнинг киноялари замзамасини тез англайди ва лашкаргоҳда сўйиб ейилган қўй, қорамол, от ва туя суякларини ўша куниёқ йиғдириб, турли ҳажмларда қирқтириб, катта ҳажмдагисига катта қиймат, кичигига кичик қиймат белгилаб, унга пўлат муҳрини қиздириб, тамға бостиради ҳамда пул ўрнига муомалага киритишга фармон беради. Натижада қўшни шаҳар ва қишлоқларда суяк пулга қўшин учун озиқ-овқат сотиб олинади. Тез кунда Исфаҳон таслим бўлгач, суяк пуллар зар билан алмаштирилади.

Мактубнинг куч-қудрати инсонни эзгу ишларга ундайди. Дил кечинмаларининг қадр-қийматини оширади. Қолаверса, ёзилган мактублар келажакка йўлланган дил изҳорлардир. Шунинг учун доим бир-биримизга мактуб йўллашдан эринмайлик. Шунда дўстлигимизга ҳамда самимийлигимизга дарз кетмайди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси **Хамид НОРҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга [illegible] жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51

Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-357-75-10
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 02.30

® — тижорат белгиси.

Адади: 8894 Буюртма — Г-926 1 2 3 5